

# Xabar

50  
(1004)-son

16-dekabr

www.xabar.uz  
info@xabar.uz

2011


ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTIRISH АГЕНТЛИГИ НАШРИ

1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

## 2012 йил – Мустаҳкам оила йили

Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

Ислом ҚАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



5-бет

### Сўнги янгилик!

Япониянинг Hitachi GST компанияси 4 терабайт сизимга эга 3,5 дюймлик корпусли қаттиқ дисклар чиқаришни бошлади. Компания маълум қилишича, ҳозирча дисклар 400 доллар қийматида чекланган миқдорда чакана савдо дўконларига чиқариляпти.

2012 йилнинг биринчи чорагидан маҳсулотни жаҳон бозорига чиқариш мўлжалланмоқда.

### Ушбу сонда:

Китоб билан ёруғдир олам	2
Орзулар юз очган кун	3
Новости в сфере ИКТ	6
Таълимда мултимедиали интерактив хизматларни ташкил қилиш	12
Соҳа кубоги финалига марҳамат!	15

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Диққат, мамлакатимизда газета ва журналларга 2012 йил учун обуна давом этмоқда «Xabar» — сизнинг газетангиз. Обуна бўлишга шошилинг!



## Jumadan Jumagacha

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 7 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг ўн тўққиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндalари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди. Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов маъруза қилди. Давлатимиз раҳбари келатган 2012 йилни “Мустақкам оила йили” деб эълон қилди.

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Президентимиз фармонларига мувофиқ, бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 7 декабр куни Оқсаройда юртдошларимизга ана шу юксак мукофотларни топширди.

Қарши шаҳрида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш масалаларига бағишланган ўқув семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги қонуннинг ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги қонунда белгиланган меъёрларни ҳаётга тўла татбиқ этишнинг ижро механизmlарини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Болага эътибор — келажакка эътибор” мавзуда анжуман ўтказилди. Анжуманда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, ижтимоий дастурларнинг ижроси борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар атрофида таҳлил қилинди ва бу борадаги долзарб вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг Деҳлидаги элчихонасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг тақдими бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Хиндистоннинг етакчи сайёҳлик компанияларидан бири — “Le Passage to India Tours and Travels (TUI)” билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

# Хайрли ишлар

“Ўзбектелеком” АК “Бош Коммутация Маркази” филиалида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кўпгина хайрли ишлар қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб “Конституция, маънавият ва мафкура” мавзусида ҳамда Президентимиз И.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” янги китобини ўрганишга бағишланган талбир бўлиб ўтди. Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маънавият тарғиботи маркази лектори Ҳамид Ҳакимов олиб борди. Тадбирда бахтимиз қомуси бўлган Конституцияни ўрганиш юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги, Конституцияни яхши билган, унга амал қилган шахс ҳаётда ҳеч қачон қоқилмаслиги, зеро, Конституция ҳар бир давлат, ҳар бир миллатнинг бугуни, эртаси, келажакни белгилаб берувчи, тараққиёт йўлини кўрсатувчи, истиқлолни ёритувчи дастуриламал, сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат эканлиги таъкиллаб ўтилди.

Шунингдек, маърузачи Юртбошимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби яқин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, тасаввур

қилиш ҳам қийин бўлган гоёта оғир ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислоҳ Каримовнинг ўлкамизни чуқур инқироздан олиб чиқиш, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаш, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилиш, умумхалқ сайловида голиб чиқиб, Президентлик қасамёдини қабул қилишигача бўлган тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган фаолият даврини (1989-1991 йиллар) ўз ичига олганини айтиб ўтди.

Ана шундай оғир бир шароитда Юртбошимиз томонидан халқимиз қалбидаги асрий орзу — истиқлол гоёси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга ошириш учун тарихий қадамлар қўйилгани китобнинг асосий мавзусини ташкил этади. Агарки бу китобнинг маъно-мазмунини бир сўз билан ифода этадиган бўлсак, Ватанимиз мустақиллиги, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаёт, янги жамият биноси учун замин бўлган ҳал қилувчи дастурий мақсад ва гоёларни Ислоҳ Каримов ўша йиллардаёқ, узокни

кўрган ҳолда, ўзига нечоғлик аниқ-равшан тасаввур этганини мисоллар билан тушунтириб ўтди.

Филиалимизда ходимларимизнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, фахрийлар ва ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатиш, ғам-хўрлик қилиш доимо раҳбарият ва филиал касабаси уюшмаси ташаббуси билан амалга оширилади. 3 декабр — Халқаро Ногиронлар куни муносабати билан 12 нафар ишламаётган ногирон фахрийларга ва 25 нафар ёлғиз кексаларга моддий ёрдам тариқасида озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шунингдек, ҳозирда мамлакатимизда барча наشرларга обунани қизғин давом этмоқда. Ана шуни эътиборга олган ҳолда раҳбарият бошчилигида ўн нафар ходимимиз ўз ҳисобларидан тизимда узок йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлардан бир гуруҳини “Xabar” газетасига 2012 йил учун обунани қилиб берди.

Байрам муносабати билан фарзандлари мактаб, лицей, коллеж ва институтларда ўқийдиган ходимларга касабаси уюшмаси томонидан ўқув қуролилари тарқатилди.

**Маҳмуда АРИПОВА,**  
“БКМ” филиали маънавий-маърифий ишлар методисти

## Китоб билан ёруғдир олам

Китоб — тафаккуримиз қанотидир. 2011 йилда китобхонларимиз талаблари асосида кўплаб янги адабиётлар фойдаланишга топширилди.

Жумладан, Юртбошимиз И.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг 10 жилдлик тўла асарлар тўплами, “Халқаро терроризм илдири”, “Янги қонунлар моҳияти” 1-2-нашрлари, Ўзбекистон Республикасининг барча кодекслари тўплами, “Она тили ва адабиёт фанидан тестлар”, “Ўзбекистон юридик энциклопедияси”, “Тилшунослик назариясига кириш”, “XX аср ўзбек ҳикояси антологияси”, “Жаҳон иқтисодиёти”, “Ўзбекистон тарихи” 1-2-3-қисмлари, “Тарихий ҳарбий терминлар лугати”, “Қизиқарли география”, “Одамлар, огоҳ бўлинглар”, “Жаҳон тарихининг муҳим саналари”, “Ўзбекистон буюк алломалар юрти”, “Табобат асрори ва шифо”,

Фирдавсийнинг янги нашрдан чиққан “Шоҳнома” асари, турли соҳаларга оид лугатлар ва қўлланмалар, таниқли ёзувчи ва шоирларимизнинг энг сўнгги нашрдан чиққан асарлари, шунингдек, ёшларимизни ва болажонларимизни маънавиятга чорловчи адабиётлар, эртак ва ҳикоялар билан бойитилди.

Бундан ташқари, вилоятимиз ҳокими ташаббуси билан янги нашр этилган Ҳазрат Навоийнинг 4 жилдлик “Ҳазоийн ул-Маоний” асарлар тўплами, “Ўтмиши қадим, келажак нурли диёр” номли Навоий вилоятига бағишланган албом ҳам китобхонларимиз учун катта маънавий мерос бўлди, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, китоб — асрларни асрларга, замонларни замонларга, ришталарни ришталарга уловчи воситадир. Бу восита эзулик истовчи ҳар бир инсон тафаккурини бойитсин.

**Ҳилола НАРЗИЕВА,**  
А.Қодирий номидаги Навоий вилояти  
АКМ бўлим муdiri

## Маънавият ва маърифат ўқуви

“Ўзбектелеком” АКнинг Бухоро филиалида “Конституция — фаровон ҳаётимиз ва тараққиётимиз асоси” мавзусида навбатдаги маънавият ва маърифат ўқуви бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизнинг мустақил тараққиёти давомида ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга, Ўзбекистонда инсонпарвар демократик ҳуқуқий

давлат барпо этишга, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтиришга, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишга қаратилган нимаки ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси Конституция-

мизда муҳраб қўйилган қондалар билан узвий боғлиқдир.

Маънавият ва маърифат ўқуви давомида кун тартибидagi мавзу доирасида атрофида сўз юритган Бухоро шаҳар ҳокимлиги маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Рўзимурод Маҳмудов тингловчиларни қизиқтирган саволларга ҳам жавоб берди.

**Ашқар ИСТАМОВ,**  
“Xabar”нинг Бухоро  
вилоятидаги мухбири

# Орзулар юз очган кун

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги арафасида Қўқон, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида Ягона ойна марказлари иш бошлади.

Қўқондаги замонавий талаблар асосида қайта барпо этилган офис беҳад шинам, чарогон ва дилтортар. Мижозлар учун қулай ва ёқимли шарт-шароитлар муҳайё этилган. Хизматлар сифати ва тезкорлигини оширишга интилаётган навқирон ёшларга қараб ҳавасингиз келади. Улар малакали мутахассислар кўмагида бу фаолиятга — телефон алоқаси, CDMA стандартидаги мобил алоқа хизматлари савдосига пухта тайёргарлик кўрганлар. Шуни айтиш зарурки, "ЎзМобайл" тақдим этаётган мобил интернет хизматларининг янги тарифлари бошқа уяли алоқа операторларнинг тарифлари билан қиёслаганда анча рақобатбардошдир. Филиал бир қатор ижтимоий лойиҳаларни ҳам амалга оширди.

Вилоятда 350та мактабга стационар телефонлар ўрнатилган ва ушбу мактаблар "ZiyoNET" тармоғидан фойдаланиб келишмоқда.

Мазкур марказда ҳам Uzonline лойиҳаси бўйича кенг полосали уланишни таъминлашга, "ЎзМобайл" стационар телефон аппаратларини ва Set-top-box тюнерларини сотишга киришилди.


Шу кунни ҳар учала шаҳарда ҳам байрамона руҳда ўтган Ягона ойна марказлари очилишида шаҳар ҳокимликларининг вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Хафиза САЛЯХОВА,  
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири



Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказида Самарқанд вилоят илмий-оммабоп кутубхонасига асос солинганлигига 100 йил тўлиши муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

## Бир асрга тенг маърифий марказ



Тадбир аввалида миллий кийимдаги қизлар меҳмонларни нон, туз ва ширинликлар билан кутиб олдилар.

Асосий тадбирни Самарқанд вилояти Рус маданият маркази раҳбари Ю.Огнев ҳамда вилоят ахборот-кутубхона маркази илмий услубий бўлими мудри М.Кулова очди ва олиб бордилар.

Шундан сўнг сўз олган Республика ахборот-кутубхона маркази директори А.Эшматов, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Ш.Йўлдошев, ХДП Самарқанд шаҳар бўлими бошлиғи А.Пардаев, Агентликнинг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Т.Пўлатовлар кутубхона ходимларини юбилей санаси билан муборакбод этишди. Фаол ходим ва меҳнат фахрийлари эсдалик совға-

лари билан тақдирландилар.

Юбилей доирасида "Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг ижтимоий соҳаларни ўқитиш ва ўрганиш жараёнидаги роли" мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унда вилоят ҳокимлиги, Республика Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасидан вакиллар, меҳнат фахрийлари, тарихчи-археологлар, олим ва талабалар қатнашишди. Шунингдек, "Самарқанднинг етакчи кутубхонаси — 100 ёшда", "АКМ фондида нодир нашрлар", "Россия илмий ахборот нашрлари", "Ўзбекистон ахборот нашрлари бугун" мавзусларида кўرғазмалар ташкил этилди.

Х.АБДУҒАФУРОВ

### 2011-ЙИЛ — KИЧIK BИZNEC VA XУCУCИY TADБИRKOPЛIK YИЛI

## Ижтимоий ҳимоя

Самарқанд вилоятида алоқа корхона ва ташкилотлари ишчи-ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва уларни арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида "Ўзбектелеком" АКнинг Самарқанд филиали қошида "SAMARQAND INTEL IDEAL SERVIS" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилган эди.

Жамият ўтган қисқа муддат давомида фаолиятини кенгайтириб олди. Жумладан, Навоий вилоятининг Кармана туманидаги "Равшан" хусусий фермер хўжалигидан швед зодли 75 бош қорамол шартнома асосида 225 млн. сўмга сотиб олинди. Қорамоллар учун Самарқанд вилояти Булунғур тумани "Беш куви" агрофирмасидан ижарага бино олинди. Шу тумандаги "Минг булоқ мадаждор" фермер хўжалиги томонидан рацион бўйича белгиланган нархда озуқалар (ем-хашак) етказиб беришга келишилди.

"Беш куви" агрофирмаси ҳудудидан 20 гектар ер олиб, қўшимча озуқа учун маккажўхори ва арпа экилди. Бу билан об-ҳавонинг ноқулай келиши натижасида ем-хашакнинг таъқислигига барҳам берилиб, чорвачиликнинг яхши ривожланишига эришилди. Бундан ташқари, йил бошида Самарқанд туманининг Оҳалик қўрғонида жойлашган "Мароқанд паранда" МЧЖ билан шартнома асосида 5000 дона

насли жўжалар олиниб, шу туманнинг Боғи-баланд қўрғонида боқила бошланди. Хайрли ишлар натижасида шу даврга қадар корхона томонидан вилоят алоқа ходимларига 155 минг дона тухум етказиб берилди.

Вилоят алоқа ходимларининг балиққа бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида филиал раҳбарияти томонидан Самарқанд туманидаги Андижони қишлоғи ҳудудидан 0,8 гектар ер олиб, балиқчиликни ташкил этиш учун ҳовуз тайёрланди. "Оқ Амур балиқлари" фермер хўжалигидан шартнома асосида 6 килограммдан сазан, хумбош ва 8 кг. оқ амур балиқлари увлдириқлари олиниб, ҳовузда боқилмоқда.

Келгусида "SAMARQAND INTEL IDEAL SERVIS" МЧЖ томонидан етиштирилган маҳсулотлар соҳа ходимларига арзон нархларда етказиб берилди.

Абдуғафур ХОТАМОВ,  
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

## Янги боғ

Бундан икки йил муқаддам филиал жамоаси Шеробод туманининг Пошхўрд қишлоғида янги боғ яратишди. Беш гектар майдонга қадалган 2 минг туپ мевали дарахт кўчатларини парваришлаш ва қўриқлашни ҳеч иккиланмасдан зиммамга олдим. Очиғи, бу аҳдим билан мамлакатимизда жаҳон иқдосдий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури ижросига муносиб ҳисса қўшмоқчи бўлдим.

Бугун эса "Интилганга толе ёр" деган эзгу сўз исботини ҳаракатларим самарасида кўриб турибман. Денов дендарий боғидан ва Сарийосиё туманидаги Узун ўрмон хўжалигидан олиб келиниб экилган кўчатлар анча кўрк бериб қолди. Келгуси йил бодом ва олма дарахтлари новдаларида биринчи ҳосил нишонлари кўзга ташланади деган умиддамиз. Кейинги йилда тоқзор ҳосилга қиради.

Яқинда филиал бошқаруви вакиллари келиб, бўй чўзиб қолган ниҳоллар авжидан мамнун бўлишди. Чин кўнгилдан берилган эhtiбор ва далда сўзлардан рости суюниб кетдим. Беихтёр хурсандчилигимни яширолмай "Яқин йиллар ичида бодом, олма ва узум харид қилиш учун деҳқон бозорига бормайсизлар" деб юборибман. Улар эса "Балли, айтганингиз келсин" дейишди.

Ҳаракатда баракат, деганлари шу бўлса керак! Хуллас, филиалнинг Пошхўрддаги боғи тобора яшнаб, мустақил Ватанимиз кўркига-кўрк қўшмоқда.

Умид ҚУВВАТАЛИЕВ,  
"Ўзбектелеком" АК  
Сурхондарё филиали боғбони

## Xalqaro hayot

### АҚШ ҚҶШИНИ ИРОҚНИ ТАРК ЭТАДИ

Вашингтонда Ироқдан америкаликлар қўшини чиқиб кетиши ҳақида расман маълум қилинди. Икки давлат етакчилари — Оқ уй раҳбари ва Ироқ Республикаси бош вазири Нури ал-Маъликӣ учрашувда Пентагон жорий йил охиригача Ироқдан бутунлай кетиши борасида келишиб олдилар.



АҚШ учун Ироқда давом этган деярли тўққиз йиллик уруш икки ҳафтадан кейин том маънода тугайди. Барак Обама бундан тарихий жараён деб атади. Вашингтон бошқаруви бутунлай Ироқ ҳукуматига топширади.

### НЕФТ ҚУВУРИДА ЁНГИН

Ироқнинг Басра шаҳрида нефт қувурида уч бора портлаш юз берган.

Маҳаллий ҳукумат вакилларининг хабар беришларича, портлаш натижасида kuchli ёнгин келиб чиққан. Воқеа жойида иш олиб бораётган ўт ўчириш хизмати ходимлари ёнгининг бошқа нефт қувурларига тарқалиб кетмаслиги учун ҳаракат қилмоқдалар.

Тахминий маълумотларга қараганда, кўпуровчилик маҳаллий жангарилар томонидан содир этилган.

### ЛЮКСЕМБУРГ БИРИНЧИ

Европа Иттифоқи рейтингда энг юқори яшаш даражаси бўйича Люксембург биринчи ўринни эгаллаган. Бу ҳақда Европа статистика агентлиги ҳисоботида таъкидланган.

Ҳисоботга кўра, Люксембургдан сўнг Буюк Британия, Германия, Нидерландия ва Австрия жой олган. Яшаш даражаси Люксембургда 50 фоиздан юқори. Буюк Британияда эса бу кўрсаткич 21 фоизни ташкил этади.

### ЕИ — РФ: ВИЗА ТАРТИБИ БЕКОР ҚИЛИНАДИМИ?..

Россия ва Европа Иттифоқи босқич-ма-босқич визани бекор қилиш режасини маълумлади.

Мазкур режани ҳаётга татбиқ этишни бошлаш ҳақида 14 декабр куни Брюсселда иш бошлаган Россия — ЕИ саммитида эълон қилинган. "РФ ва ЕИ фуқароларининг қисқа муддатли ташрифи визасиз тартибига ўтиш бўйича ҳамкорликдаги қадам" деб номланган ҳужжат тўртта блокка ажратилган.

Қисқа муддатли ташрифнинг визасиз тартибини жорий этишга тайёргарлик бўйича ЕИ ҳам, Россия ҳам бир қатор масалаларни ҳал этишни керак.

Москва ушбу тартибни соддалаштириш ва аста-секин виза тартибини бекор қилиш бўйича ўз қизиқишларини бир неча бор таъкидлаб келган. Россия ҳукуматининг фикрича, бу Россия ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инсонпарварлик алоқаларини янада кенгайтиради.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

# Кадрлар салоҳияти — бош мақсад

Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг

равнақ топиб, ислохотларни изчил амалга оширишда ишчи-ҳодимларнинг салоҳияти, интилувчанлиги ҳамда замон билан ҳамнафас бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бундан юртимизда жадал ривожланиб бораётган почта алоқаси соҳаси ҳам мустасно эмас.

"Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти Қашқадарё филиали директорининг ўринбосари, почта хавфсизлиги хизмати инспектори Орифжон Маҳмудов моддий жавобгарлик лавозимларига кадрларни танлаш бўйича қўлланилаётган тажрибалар ва усуллар ҳусусида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Қашқадарё филиали таркибидан 14та шаҳар ва туман почта алоқаси тармоғи ҳамда 286та почта алоқаси бўлими мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда жами 1098 нафар ишчи-ҳодим фаолият кўрсатиб келмоқда.

Қашқадарё филиалининг 2005 йил 12 сентябрдаги 94-сонли ишлаб чиқариш буйруғи асосида филиал ва унинг таркибидagi туман ва шаҳар почта алоқаси тармоқларида кадрларнинг шахсий таркибига оид буйруқларини, яъни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, меҳнат таътиллари бериш ва хизмат сифарига юбориш каби ишларни марказлаштириб, филиалдан буйруқ бериш ва уларни жойларга етказиш ишлари йўлга қўйилди.

Марказлаштиришнинг асосий мақсади ҳодимларга ойлик иш ҳақлари тўловини амалга оширишда ҳаққонийликни таъминлаш, янги ишга қабул қилинаётган ҳодимларни билим малакасига эътибор берган ҳолда ишга қабул қилиш ҳамда ҳодимларни жой-жойига қўйишдан иборатдир.

Кадрлар хизматини марказлаштиришнинг яна бир ижобий тарафи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 79-моддаси талабларига мувофиқ қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчиликларга йўл қўймасликдир — фуқароларни ишга қабул қилиш жараёнида шу ҳолатларга катта эътибор қаратилмоқда. Филиал моддий жавобгарлик лавозимларига ҳодимларни янги ишга қабул қилишда, танлаш ва ишга жалб этиш бўйича имконият даражасида ижобий силжишларни олдиға мақсад қилиб қўйган. Шундан келиб чиққан ҳолда, янги ишга

қабул қилинаётган ҳодимлар тармоқ мутахассислари томонидан бир ҳафта давомида соҳага тегишли метёрий ҳужжатлар билан таништирилади, ишлаб чиқаришда малакали билимга эга бўлган мутахассислар томонидан тушунтиришлар берилди. Шундан сўнг филиалнинг КТ ва ҚТ бўлимига ҳодимнинг шахсий фаолияти ва бошқа керакли маълумотлар тўғрисидаги ҳужжатлар суҳбат бошланишидан 10 кун олдин тақдим этилади.

Ҳодимларни ишга қабул қилиш вақтида улардан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасида қайд этилган ҳужжатлар талаб этилади, бундан ташқари, қўшимча равишда ишга кирувчи ҳодимнинг ишга бўлган масъулиятини ва жавобгарлигини янада ошириш мақсадида, иш фаолияти давомида унинг томонидан йўл қўйилган камомад, ўзлаштириш аниқланган тақдирда барча ўзлаштирилган маблағлар яқин қариндошлари томонидан тўлаб беришга нотариал идоралар томонидан тасдиқланган кафилик хатлари, олдинги ишлаган корхона ёки ташкилотдан тавсияномалар, вилоят ИИБ ахборот маркази томонидан сулланган ёки сулланмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома, янги ишга кирувчи ҳодимнинг яшаб турган ҳудудидаги ҚФЙ (МФЙ) раисларидан ҳодимнинг хулқ-атвори тўғрисида тавсифнома олинади.

Тўпланган маълумотлар гуруҳ томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилгандан сўнг, суҳбатдан ўтишга лойиқ топилганлар учун ҳар ҳафтанинг чоршанба кунинда ўтказиладиган суҳбатда янги ишга қабул қилинаётган ҳодим билан биргаллик тармоқ бошлиғи ёки ўринбосари иштирок этади, агарда уларнинг шахсий ҳужжатларида соҳамиз манфаатларига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар аниқланса, уларнинг ҳужжатлари қабул қилинмасдан қайтариб юборилади. Суҳбат дастлаб тармоқ мутахассислари томонидан берилган тушунтиришларнинг натижаси ёзилган

баённома билан таништиришдан бошланади. Шундан сўнг янги ишга қабул қилинувчи ҳодимга гуруҳ аъзолари томонидан қайси вазифага тайинланаётганлигини ҳисобга олган ҳолда метёрий ҳужжатлар асосида савол-жавоблар ўтказилади. Агарда янги ишга қабул қилинаётган ҳодим берилган саволларга қониқарли жавоб бера олмаса, гуруҳ аъзолари томонидан маслаҳатлашиб, навбатдаги суҳбатга қадар тайёргарлик кўриш учун бир ҳафта муддат берилди.

Суҳбат комиссиясининг хулосасига кўра, вазифага лойиқ деб топилган янги ишга кирувчи ҳодимлар 3 ой синов шарти билан ишлаганига ёзма равишда розилик хати берилди, шунга асосан ҳодим билан филиал директори ўртасида моддий жавобгарлик шартномаси ҳамда меҳнат шартномаси тузилиб, буйруқ имзоланади. Шу куннинг ўзида янги ишга кирувчи ҳодим филиал почта хавфсизлик хизмати бўлимига ҳамда хавфсизлик техникаси мутахассиси томонидан тегишли тартибда дастлабки (кириш йўриқномаси) йўл-йўриқдан ўтказилади.

Тармоқнинг ички буйруғига асосан соҳада етарли тажрибага эга бўлган ҳодимга янги ишга кирган ҳодим 3 ой синов муддатини ўташ жараёнида бевосита бириктирилади. Синов муддати тугагандан сўнг тармоқда ташкил этилган гуруҳ томонидан ҳодимнинг қай даражада билимга эга бўлганлигини синаш мақсадида суҳбат ўтказилиб, суҳбат натижаси бўйича филиал директори номига эгаллаб турган вазифасига лойиқ ёки нолойиқ эканлиги бўйича маълумот тақдим этилади.

Юқоридagi талабларни қўйишдан асосий мақсад ҳар бир янги ишга кирувчи ҳодимнинг жавобгарлиги ҳис қилиб, ўз ишига масъулиятли, ҳалол ёндашишига эришишдир. Бу эса жойларда пенсионерлар ва ижтимоий нафақа олувчилар пулларини, пул ўтказмалари ва бошқа тўловлар ўзлаштирилишининг олдини олишда ҳамда почта соҳасида ижобий натижаларга эришишда муҳим омиллар.

Афтондил ИСМОИЛОВ  
ёзиб олди

Алоқачилар Насибохон опа ва Аббосхон акалар оиласида биринчи фарзанд туғилди. Унга ота-оналари Наргизахон, деб исм қўйишди. Қизалоқ тенгқурлари қатори ўсди, улғайди. Ўрта мактабни муваффақиятли тамомлади.

Орзу орзу-да! Ота-оналари каби алоқачи бўлишни анчадан буён кўнглига тутиб юрган Наргизахон ўрта мактабни тамомлаб, "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалига қарашли Қўқон шаҳридаги 2-боғлама-

## Орзу орзу-да!

га техник вазифасига ишга кирди. Сўнгра 2006 йили Андижон алоқа касб-ҳунар коллежига кириб, сиртқи бўлимини ишдан ажралмаган ҳолда муваффақиятли тамомлаб, коммутация тизимларини ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш мутахассислигини эгаллади.

Ҳозирги кунда РРЛ цехи Авариянинг олдини олиш гуруҳи 5-тоифали электромеханиги ва иш юритиш ҳамда ижро назоратини ташкил этувчи вазифасида сидқидилдан ишлаб келмоқда.

— Дастлабки иш бошлаган пайтларим жуда қийин кечди. Чунки, алоқачилик касби жуда

масъулиятли, фақат назарий билимнигина эмас, балки катта амалий тажрибани ҳам талаб этар экан. Шу боис, мен доим тажрибали мутахассислардан билмаганларимни тортинмасдан сўраб, ўрганишга ҳаракат қилдим. Доимо ўз устимда изланиш учун ҳаракат қиламан. Яна эзгу ниятларим кўп, улардан бири олийгоҳга кириб ўқиш ва олий маълумотли бўлиш, — дейди у биз билан суҳбатда.

Барча эзгу ниятларингиз амалга ошаверсин, Наргизахон!

Мақсуджон ХУЖАМБЕРДИЕВ,  
2-боғлама ММ ва  
ТХ муҳандиси

Оила — бу ота-она, фарзандларимиз, бизга қадрдонлар, гамхўрлик ва муҳаббат улашишни исгаган барча инсонларимиз. Бу — ёрқин ва меҳрга тўла дунёда — мана шундай оилалар бирлашиб, улкан жамият юзага келади. Оила — жамият таянчи дейилади шунинг учун ҳам. Демак, барчамиз бахтли бир оила вакилларимиз — ҳеч ким бир-бирига бегона эмас.

Бизни қамраб турган реал оламдан ташқари, ахборот технологиялари тараққиёти воситасида юзага келган виртуал олам мавжуд. У ерда ҳам инсонлар ўзаро муносабатга киришадилар, иш, турмуш, маданий ва маърифий фаолият ва ҳоказолар юзасидан фикр алмашадилар. Бир-бирларининг тақдирларига билвосита ва бевосита таъсир ўтказадилар. Самарқанд шаҳридаги "Боги Обод" маҳалласида истиқомат қилувчи Умида Маҳмудованинг ҳаёти ҳам uForum интернет-форуми воситасида ўзгарди. У атрофини меҳрибон ва яхши инсонлар қамраб турганини ҳис қилди, уларнинг оила аъвосига айланди. Ҳозир бирини олам, иккинчисини акам, учинчисини қадрдоним деб қаҳради...

ли таҳлилларни ҳеч қандай харажасиз тайёрладилар ва Андижонга жўнатдилар. Қобилжон ака менинг ҳолимини тушунди ва мени ҳамда қараб туришлари учун ойимни Андижондаги шифохонага қаҳриб, жойлади. Аввало, у кишининг самимият билан қутиб олганлиги мени беҳад қувонтирди. 27 ноябр куни Қобилжон Турсунович ҳеч қандай харажасиз жарроҳлик амалиётини ўтказиб, орқа мия умуртқа поғонасига электрод қўйди. Муваффақиятли жарроҳлик амалиётини сўнг, тиббиёт фанлари ном-

УНУТИЛМАС МЎЪЖИЗА


"Ўтган йилнинг 28 ноябрида, тутилган кунимда мен учун ҳаётимда унутилмас мўъжиза рўй берди: мен танимаган, билмаган инсонлар соғлиғимни совға қилишди, — дея ўз ҳикоясини бошлади Умида. — Сизга 24 йил давомда бошимдан ўтказганларим, менга беминнат яхшилиқ кўрсатган инсонлар ҳақида сўзлаб бермоқчиман".

Шу ўринда, Умида Маҳмудова воқеаси билан uForum орқали бевосита танишлиғимни айтиб ўтишим жоиз. Унинг илк бора йўллаган мактуби мазкур форум иштирокчилари ўртасида қизгин муҳокама қилинганди. Дард, шу билан бирга, умидларга тўла мактуб эгасининг чиндан ҳам кўмакка муҳтожлигини аниқлаш мақсадида форум иштирокчиси Нигора Умарова Самарқандга бориб, улар хонадонда бўлиб қайтди. Шундан сўнг кўмаклашиш йўллари қидирила бошланди. Интернет форумнинг бундай вазиятларда устун жиҳати — унда турли касб эгалари бор, шу каби ҳодисалар ечимида аввал ҳам иштирок этган ва ўз тажрибаси билан аниқ маслаҳат бера оладиганлар топилиб қолади. Ёки фикрлар хилма-хиллиги тўғри йўлни топиш, аниқ йўналиш олишни осонлаштиради.

Умиданинг болалик қадамлари тўрт ойгина давом этган, холос. Ҳали эсини танимай туриб, бир ярим ёшлигида бахтсиз ҳолиса туфайли юра олмай қолган, бунданам ёмони танасининг белидан пастки қисми сезилган айрилган. Тўрт ёшида Самарқандда жарроҳлик столига ётқизилган бўлса-да, ўзгариш сезилмаган. Шифокорлар унинг юриб кетиши у ёқда турсин, ич келиш сезгилари ҳам тикланмаслигини, бунга тиббиёт ожизлик қилишини айтишади. Умиданинг ота-онаси ҳам тақдирга тан бериб, фарзандларининг соғайиб кетишидан умидларини узишди.

"Етти ёшимда Мабурашид Амонов номидаги мактабга чиқдим. У ерда тўртинчи синфгача ўқидим. Аммо ўз тенгдошларимга ўхшамганимни тушуниб, мактабга бормай қўйдим. Ҳўқитувчилар уйимизга келиб дарс бериб кетишарди, бундан ташқари, бувим ҳўқитувчи бўлгани учун менга ўқишни яхшироқ ўзлаштиришимга ёрдам берди. Ота-онам нимани хоҳласам олиб беришарди, аммо мен тузалишни истардим. Сиқилиб, тушкунликда, мақсадсиз ўтарди кунларим. Айни ўйнаб-қуладиган болалик чоғларим шу тарзда тўшақка миҳланганча ўтди. Ўртоқларим уйга келса, улар олдида ноқулай бўлардим. Чунки ичим келишини сезмас ва назорат қила олмас эдим. Шу тарзда кунлар, ойлар, йиллар ўтди..."

# Мустаҳкам оиламиз!



УМИД

Исмига монанд равишда Умида умид қилишдан тўхтамади. Тушларида ҳамма қатори югуриб, ўйнаб юрарди, уйғониши билан афсуздан кўнгли чўкиб кетарди. Шундай кунларда компьютер унинг овунчоғи ва умид учқуни бўлди. Уйда компьютер ва интернетда ишлашни ўрганиб, у орқали ўзининг хасталиги бўйича қаерда қандай тажрибалар қўлланилаётганини ўрганди. Германия, Исроил ва Москвадаги клиникаларнинг шифокорлари билан боғланиб, мулоқотда бўлди, уларга касаллик тарихини жўнатди. Бир сафар Исроилдаги клиникалардан биридан нейрохирург Умиданинг хатига жавоб ёзиб, тузалиш мумкинлигини, аммо бунинг учун ўша клиникага бориб, қайта тиббий кўрикдан ўтиш ва даволаниш лозимлигини айтди. Албатта, хорижда даволаниш учун унинг оиласи шароити кўтармаслигини Умида яхши тушунарди, лекин чора излашдан ҳам тўхтамади — интернет орқали инсонлардан маслаҳат ва кўмак қилдири.

"2010 йилнинг 29 август куни телефонда аёл кишининг "Сизга қўлдан келганча ёрдам берамиз" деган овозини эшитиб, қанчалар қувониб кетганимни таърифлаб бера олмайман. Қоронғу кўнгилимда чироқ ёнгандай бўлди."

Кўнгирикни uForum аъзоси Нигора Умарова қилганди. Бу орада интернет-форум орқали Умидага қандай ёрдам бериш мумкинлиги муҳокама қилина бошлади. То бир қарорга келингунга қадар форумнинг самарқандлик иштирокчилари — Бахтиёр ака ва Севаралар Умиданинг аҳволдан хабар олиб туришди. Исроилдаги клиниканинг шарт-шароити ва талаблари сўраб-суриштирилди. Маълум бўлдики, хорижда даво топиш учун жуда катта миқдорда маблағ керак. Бу маблағни йиғишнинг деярли имкони йўқ. Шунда uForumнинг яна бир аъзоси Жасурбек Ўринбоев беморни Андижон тиббиёт институти профессори Қобилжон Худойбердиевга кўрсатиш таклифи билан чиқди. Жасурбек ушбу шифокорнинг айнан шундай беморларни даволаб келаётганига гувоҳ бўлганини билдиргач, интернет-форумнинг бошқа иштирокчилари ҳам шу йўлни тутиш мақбуллигини билдирдилар.

ШУКРОНА

"Мен учун бу инсонлар Аллоҳ томонидан юборилган нажоткорлардир, — дейди Умида ўз ҳаяжонини яшира олмай. — Мени авваллари умуман танимаган инсонлар тиббий кўрикдан ўтказиб, керак-

зоди Шуҳрат Фозилов муолажаларни давом эттирди. Қобилжон ака эса руҳшунос сифатида ҳам катта кўмак бериб турди.

Вақт ўтиши билан ҳеч қачон сезмаган аъзоларимни сеза бошладим. Ич келишимни сеза бошлаганимни айтганимда эса онам йиғладилар. Энди таглик билан ётишимга эҳтиёж қолмаганди. Ўз кучим билан ётиб, ўтиришни ўргандим. Бир сафар шифокор Шуҳрат ака оёқларимни чимчилаб кўрганнида беҳосдан "ай" деб юбордим. У киши ойимга бахтингиз бор экан, бунақа жароҳатлардан бир йил ўтганидан кейин беморнинг яхши томонга ўзгариши сўроқ остида қолади. Умиданинг эса жароҳатланганига 20 йилдан ошган, бу ҳам мўъжиза, деди. Энди оёққа туришим учун тинимсиз машқ қилишим керак. Чунки оёқ пайларим қотиб қолган экан. Самарқандда ҳам уйга шифокорлар келиб уқалаш амалиётини бажариб кетишяпти. Одам ҳеч кимга муҳтож бўлмасдан ўзини ўзи бошқара олса, мазза экан..."

Инсон доим яхшилиқ қутиб, яхшилиқ қилиб яшайди. Озгина эътибор ҳам кўнгилларни обод қилади. Умида ҳам юртимизда шундай саховатли, оққўнгил инсонлар қўлигига ишонч ҳосил қилди.

"Шифохонада ётганимда умуман танимаган, кўрмаган одамлар мендан ҳол-аҳвол сўраб, мева-чевалар, ҳатто туғилган кунимда совғалар бериб, дуолар қилиб кетишди. Гап фақат бу совғаларда эмас, халқимизнинг шундай меҳрибон эканлигидан кўнглим юмшаб кетди. Шундай инсонлар, шундай қўли шифо жарроҳлар, яхшилар борлигига шукроналар айтаман. Улар менга берган бахтни таърифлашга ожизман. Раҳмат сизларга!"

Умида компьютер ва интернет кўмагида уларни тоғди. uForumнинг жонқуяр аъзолари эса маслақдош, хайрихоҳ бўлдилар, елиб-югуриб унга даво чораларини қидирдилар. Бу ёқдан Қобилжон Худойбердиев етакчилигидаги шифокорлар беғараз ёрдам қўлини чўзишди. Аслида мўъжиза шуки, бу инсонлар бир-бирларини яқиндан танишмайди ҳам, бироқ меҳр кўрсатишга интиладилар... Ҳа, биз ЎЗБЕКМИЗ, шунақа бағрикенг халқмиз. МУСТАҲКАМ БИР ОИЛАМИЗ!

Лутфулло ТУРСУНОВ

## УКРЕПЛЕНИЕ ПОТЕНЦИАЛА ХОКИМИЯТОВ

9 декабря 2011 года состоялось официальное открытие Центра Единого Окна (ЦЕО) при хокимияте г. Наманган и трех Информационных служб хокимиятов Наманганской области — областного хокимията, хокимиятов г. Намангана и Янгикурганского района.

В нем приняли участие хоким Наманганской области Баходир Юсулов и заместитель Постоянного Представителя Программы Развития ООН в Узбекистане Яко Силиерс. Данные инициативы были реализованы в результате успешного партнерства между Кабинетом Министров Республики Узбекистан и Программой развития ООН (ПРООН), и в тесном сотрудничестве с хокимиятами Джизакской и Наманганской областей — в рамках реализации проекта ПРООН "Поддержка системы местного управления: гражданское участие и партнерство".

В начале 2011 года в рамках реализации проекта ПРООН в Джизакской и Наманганской областях, между проектом ПРООН и хокимиятами указанных регионов были разработаны и подписаны рамочные Планы совместных действий на 2011 г. Согласно планам, среди прочего, предусматривалось открытие по одному ЦЕО при хокимиятах гг. Джизака и Намангана, а также шести Информационных служб хокимиятов в пилотных областях (по три в каждой области).

В соответствии с Концепцией предполагается использование ЦЕО в качестве нового и эффективного подхода для предоставления государственных услуг. Концепция предусматривает предоставление широкого спектра общественных и социальных услуг населению по принципу "Единого окна" в одном здании, переход к клиенто-ориентированной системе и широкое применение современных ИКТ средств при предоставлении услуг. Указанные новшества позволят гражданам получать качественные и своевременные государственные услуги без



посещения различных учреждений, расположенных в разных частях города. С другой стороны, в предоставлении услуг посредством ЦЕО есть определенные удобства и для государственных учреждений, поскольку они освобождаются от обязанностей по приёму и рассмотрению заявлений граждан. Тем самым ведомства экономят на административных и операционных расходах, уделяя больше времени выполнению своих основных функций.

Еще одна инициатива, которая была успешно реализована совместными усилиями хокимията Наманганской области и проекта ПРООН это — усиление технических и функциональных возможностей местных органов власти для обеспечения прозрачной системы связи, с помощью которой граждане могут получать информацию о деятельности хокимиятов. Данная задача определена в качестве одной из важнейших в Концепции "О дальнейшем углублении демократических реформ и формировании гражданского общества в стране",

утвержденной на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса (Парламента) Республики Узбекистан 12 ноября 2010 года. В связи с этим, проектом ПРООН совместно с хокимиятом Наманганской области были созданы три Информационные службы (ИС) — в хокимияте Наманганской области, хокимиятах г. Намангана и Янгикурганского района.

Во время официальной церемонии открытия Яко Силиерс отметил "Конечно, обеспечение устойчивости функционирования Центра Единого Окна и Информационных служб хокимиятов потребует дальнейших совместных и скоординированных усилий всех заинтересованных сторон и партнеров. Следовательно, ПРООН в Узбекистане, готов продолжить сотрудничество с хокимиятом Наманганской области для достижения этой цели, путем активной реализации проекта ПРООН "Поддержка системы местного управления: гражданское участие и партнерство".

## ОЧЕРЕДНОЕ СНИЖЕНИЕ

ТАРИФОВ НА ИНТЕРНЕТ-УСЛУГИ ДЛЯ ПРОВАЙДЕРОВ

Акционерная компания "Узбектелеком" сообщает о снижении с 10 декабря 2011 года тарифов на интернет-услуги (внешнего канала) для провайдеров до \$529 за 1 Мбит/с.

В 2011 году это уже девятое снижение тарифов на внешний канал. На начало 2011 года стоимость составляла \$849. С февраля 2011 года она была снижена до \$755 за 1 Мбит/с, с 2 июля до \$705, с 12 июля до \$688, с 15 августа до \$665, с 16 сентября до \$632, с 1 ноября до \$573, с 25 ноября до \$550 и с 10 декабря до \$529 за 1 Мбит/с. Таким образом, тарифы, только в 2011 году, были снижены на 60,49% (по сравнению с действующими).

Uztelecom.uz

## СОСТОЯЛОСЬ ЗАСЕДАНИЕ

ТРЕТЬЕГО ТЕХНИЧЕСКОГО СОБРАНИЯ ПО МЕЖДУНАРОДНОЙ ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЕ IFS

С 5 по 7 декабря 2011 года в Бишкеке состоялось заседание Третьего технического собрания по международной финансовой системе IFS — Развитие электронных платежных услуг в Европе и СНГ в рамках Многолетнего комплексного проекта ВПС и РСС.

В заседании приняли участие представители 7 администраций связи РСС, в т.ч. представители ОАО "Узбекистон почтаси" и МБ ВПС.

На заседании обсуждались вопросы открытия обмена международными электронными переводами в рамках многолетнего комплексного проекта ВПС РСС по развитию электронных платежных услуг в странах Европы и СНГ, подготовки открытия обмена срочных денежных переводов и денежных переводов наложенного платежа.

Рассмотрены также вопросы расширения регионального проекта — развития услуг электронных денежных переводов для социальных выплат в Центральной Азии.

В заключение технического собрания были приняты соответствующие решения.

Pochta.uz

## Мега акция:

## "Билайн" определил новых обладателей iPad2

Единый оператор связи "Билайн" (ООО "Unitel" и СП "Buzton") подводит очередные итоги Мега Акции для действующих и новых абонентов компании. Напомним, что до 25 декабря каждый из них может стать обладателем планшета iPad2, телефонов Samsung Galaxy S2 и Nokia X1-00, а также множества бонусов от "Билайн".

9 декабря в прямом эфире радиостанции "Узбегим Таронаси" еще 5 планшетов iPad2 обрели своих счастливых владельцев. Гостем эфира, в присутствии которого проходил розыгрыш, был талантливый актер отечественного кино, обладатель множества престижных кинопремий Адиз Раджабов.

MMS-пакеты получили абоненты "Билайн", чьи номера мобильных телефонов заканчиваются на следующие 3 цифры: XXX X5 20, XXX X5 67, XXX X9 00, XXX X1 56, XXX X5 12.

Пакеты минут достались владельцам номеров "Билайн" со следующими последними 4 цифрами: XXX 3520, XXX 8567, XXX 3900, XXX 3156, XXX 3512.

Телефоны Nokia X1-00 ожидают абонентов "Билайн", чьи номера мобильных телефонов заканчиваются на следующие 5 цифр: XX8 35 20, XX5 85 67, XX0 39 00, XX7 31 56, XX7 35 12.

Обладателями премиум-смартфонов Samsung Galaxy S2 стали абоненты с номерами, заканчивающимися на следующие 6 цифр: X48 35

Выиграй свой iPad2 и другие крутые призы!



# 5

## ЛЕТ

## ВМЕСТЕ

Подключись или трати 2000 сум в неделю!

20, X55 85 67, X00 39 00, X57 31 56, X57 35 12.

И наконец, планшеты iPad2 отправляются владельцам счастливых номеров 890 548 35 20 (Андижанская область), 890 657 31 56 (Самаркандская область), 890 955 85 67, 890 900 39 00, 890 957 35 12 (все — г.Ташкент).

Акция продлится до 25 декабря

2011 года, а для участия в ней нужно лишь подключиться к "Билайн" и общаться. Активными абонентами акции считаются те, чьи расходы на услуги оператора (голосовая связь, SMS, MMS, мобильный Интернет и т.п.) составляют не менее 2000 сум за календарную неделю, т.е. с понедельника по воскресенье.

www.beeline.uz

# Хабарлар + TV

## UZBEKISTON

## ДУШАНБА — 19 ДЕКАБР

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 Ассалом, Ўзбекистон!  
7.05 "Одам ва одам" дастури: Табиат муҳофазатлари, 7.20 Иқлим.  
7.25 "Сўнги қирғоқча", Т/с.  
8.00 Таълиқнома  
8.45 - 9.35 "Миньянат" дастури.  
9.35 Кўрсатувчилик сарҳудлари, М/с.  
9.55 Иқлим.  
10.00 Теле Театр: "Топталган туйун".  
10.45 Саломатлик сирлари.  
11.00 "Ўзборот".  
11.15 Кино сехри, Б/ф.  
11.55 "Иқлим".  
12.00 Ассалом, Ўзбекистон!  
12.50 Қўнғи қушқ истаиди".  
13.00 Ватанларвар.  
"Болалар сайраши".  
13.40 "Сезили калам", М/с.  
14.00 "Ўзборот".  
14.20 Миллий кино: "Шум бола".  
15.30 "Иқлим".  
15.55 Жаҳон мусикаси хазинаси.  
И. С. Бўх.  
16.40 "Ўзбекистон табиати".  
17.00 "Ўзборот".  
17.15 "Сўнги қирғоқча", Т/с.  
17.50 "Иқлим".  
18.00 "Қўнғи қушқ истаиди".  
"Болалар сайраши".  
18.05 Эртанлар - ахшиликка етказар.  
18.25 "Иқлим".  
18.30 "Корачик".  
18.45 Миллий сериал: "Умр манзаралари".  
19.20 ТВ - диффокор.  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 "Ўзборот" /рус/.  
20.10 "Ўтми мерос".  
20.20 Миллий сериал: "Опа - оқинлар".  
21.00 "Ўзборот".  
21.45 "Истиқлол солимоши".  
21.55 "Хўжид сабои", Т/с.  
22.40 "Иқлим".  
22.55 "Жаҳид Дориг", Т/с.  
23.30 "Одам ва одам" дастури: Табиат муҳофазатлари.  
23.45 - 23.55 "Ўқун".  
23.55 Кўрсатувлар дастури.  
00.00 Юртим бўйлаб дастури: "Бу сирли эълон".  
00.10 Теле Театр: "Топталган туйун".  
00.55 Қўнғи қушқ истаиди".  
1.00 "Ўзборот" /рус/.  
1.35 - 2.35 "Миньянат" дастури.  
2.35 "Иқлим".  
2.40 "Корачик".  
2.55 "Ўтми мерос".  
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".  
4.00 "Ўзборот".  
4.40 Миллий сериал: "Опа - оқинлар".  
5.15 Саломатлик сирлари.  
5.30 "Ўзбекистон табиати".  
5.50 - 5.55 "Ўқун".

18.00 "UzEX".  
19.00 "Давр".  
19.30 "Келин", Т/с.  
20.20 "Ешшқ наволари".  
20.40 "Нухий назар".  
21.10 "Қирот ва қанисқак", Т/с.  
22.00 "Давр".  
22.30 "Доктор Қўнғи", Т/с.  
22.35 "Қамолот-инво".  
23.40 "Ешшқ наволари".  
00.10 "Морена Клара", Т/с.  
1.00 "Арсона ва ҳидқид".  
2.00 "Давр".  
2.30 "Инсон психологияси".  
3.00 "Юдзути осмон".  
4.00 "Шарқ оқишлари".  
5.10 Миллий сериал: "Меҳмонқонлардан айтайдн".  
5.50-6.00 "Ўтми гуноқ".

## COMMENTS

6.00 Кўрсатувлар партияси.  
6.05 "Поитак йўлларида".  
6.20 "Ариша".  
6.30 Миллий сериал: "Умр сўмоқларида, 40-қисм".  
7.00 "Мулоқадат учун мавзу".  
7.30 "Салом, Тошкент".  
8.30 Тошкент тароналари.  
8.40 "Уларин".  
8.45 "Икки тақдир", Т/с. 71- қисм.  
9.10 "Интарья".  
9.20 "Интеллектуал аукцион".  
9.30 "Поитак".  
9.40 Ўзбекистон Республикаси Қўрали Қўралининг 20 йилгиди оқиди: "Мулоқадат Вазирлиги ҳарбий сўмоқти икки этап".  
10.00 "Ибор".  
10.30 "Поитак" /рус/.  
10.45 "Қалъа", Б/ф. 1-2 қисмлар.  
12.40 Қонун доирасида.  
13.00 "Салом, Тошкент".  
13.00 "Ўқун" телеахшлари.  
15.00 "Поитак".  
15.15 "Икки тақдир", 5-е. 72 - қисм.  
15.40 "Митинговлар оқиди".  
16.00 Тошкент тароналари.  
16.10 "Дўшқиди".  
16.25 "Мохий".  
16.40 "Эко-поитак".  
16.50 "Саломат бўлинг".  
17.05 "Атлантида сирлари", М/ф.  
17.45 "Қасбни-фаҳрим".  
18.00 "Поитак".  
18.25 "Эътиқол".  
18.40 "Бизнес- поитак".  
18.45 "Интеллектуал аукцион".  
19.00 Миллий сериал: "Умр сўмоқларида", 41-қисм. /Айқулновин/.  
19.30 Тошкент тароналари.  
19.40 "Телекурер-маркет".  
19.50 "Уларин".  
20.00 "Поитак".  
20.30 "Шаҳзадания қўшиғи", Т/с.  
21.00 Тошкент тароналари.  
21.10 "Телекурер-маркет".  
21.20 "Уларин".  
21.50 "Поитак" /рус/.  
21.55 "Интарья".  
22.05 Кино SMS со эъланди".  
22.10 "Артур и минипути", Х/ф.  
23.45 "Эко-поитак" /рус/.  
00.00 "Кўрсатувлар партияси".  
00.05 "Возмездие" Х/ф.  
1.50-2.00 "Эко-поитак" /рус/.

## SPORT

06.00 "Хайрат тонг".  
06.10 "Саломат бўлинг".  
06.30 "Жасур болалар".  
07.05 "Жаҳон спорти юдузлари - Аиша".  
07.25 Болалар майдончаси: Тонги гимнастика.  
"Спортландия", Мультифилм.  
08.00 ХАБАРЛАР.  
08.30 "Саломат бўлинг".  
08.50 Футбол. Англия чемпионати.  
09.10 "Челси".

10.35 "Спорт - менни ҳаётим".  
11.00 Трамплинлар сакраш. Жаҳон кубоғи.  
12.40 "Ринг қироллари".  
13.00 Рақислар, натоқалар, реитинлар.  
13.05 Болалар майдончаси: "Спортландия", Мультифилм.  
13.35 "Сата бизнес", Ток-шоу.  
14.20 Биатлон. Жаҳон кубоғи.  
15.00 Дюво. Жаҳон кубоғи.  
16.15 Футбол. Исландия чемпионати.  
"Сезили" - Реал".  
18.00 Болалар майдончаси: "Спортландия", Мультифилм.  
18.30 ХАБАРЛАР.  
18.50 Саломатлик хазинаси.  
18.55 "Барқадом алоқ".  
19.15 Курш. Ўзбекистон кубоғи.  
20.15 "Спорт - маркет".  
20.25 Футбол. Туран турғичи.  
21.50 Саломатлик хазинаси.  
21.55 ИнтегФутбол.  
22.05 "Спорт - маркет".  
23.35 Сезиша дастури ахши.  
23.45 Муайтти. Халқро турпир.  
01.00 Хабарлар.  
01.25 Чим устида хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал.  
Жаҳон кубоқарила:  
02.20 Топ чанги спорти.  
03.30 Биатлон. Жаҳон кубоғи.  
04.10 - 05.50 Интерфутбол.

## TV

07.00 07.40 09.10 10.30 13.35 14.30 15.30  
18.10 19.40 20.35 02.15 Эълон наволари  
07.30 Prime time (узб.)  
08.10 Сериал "Ақралисақда бирамиз"  
09.00 Дневник "М&TV-2011"  
09.40 Сериал "Хранилище - 13"  
11.30 "Возвращение планеты обесаян" Х/ф  
14.20 Дневник "М&TV-2011"  
14.40 "Ақралисақда бирамиз"  
17.30 Премьера  
18.00 Prime time (узб.)  
18.40 Сериал "АЖРАЛСАҚДА БИРАМИЗ"  
19.30 Дневник "М&TV-2011"  
20.00 "Топ-10"  
21.10 Сериал "ХРАНИЛИЩЕ - 13"  
21.00 "ДЖЕНТЛМЕННЫ УДАЧИ" Х/ф  
23.50 Минскер  
01.30 Сериал "Мысль как преступник".  
03.00-05.00 "Хўжак".

## БИРИНЧИ

04.00 08.05 Телеканал "Доброе утро"  
08.00 11.00, 14.00, 02.00 Новости  
08.30 Контрольная закупка  
09.00 "Жить здорово!"  
10.00 Модный приговор  
11.20 Т/с "Убойная сила"  
12.20 "Учасковский детектив"  
13.00 Другие новости  
13.25 Понять. Простить  
14.30 02.40 "Хочу знать"  
15.00 Т/с "Обручальное кольцо"  
15.50 "Сюжета и справедливости"  
17.00 Вечерние новости  
17.55 03.05 "Давай поженимся!"  
18.50 Путь вперед  
20.00 "Время"  
20.30 Т/с "Жизнь и приключения Мишки Япончика"  
21.30 "Судья на выбор"  
22.25 "Ползар"  
23.20 Ночные новости

## РОССИЯ 1

04.00 "Утро России".  
08.05 "С новым домом", Ток-шоу.  
09.00 "О самом главном", Ток-шоу.  
10.00 13.00 15.00 19.00 Вести.  
10.30 13.30 15.30 Местное время.  
Вести-Москва.  
10.50 "Кулагин и партнеры".  
12.00 Т/с "Тайны следствия".  
13.50 Вести. Дежурная часть.  
14.05 "Всё к лучшему", Т/с.

15.50 "Ефросинья. Продолжение", Т/с.  
16.55 "Зарплату, мама!", Т/с.  
17.55 "Прямой эфир".  
19.30 Местное время. Вести.  
19.50 "Словоиной ноги, маляшшй".  
20.00 Премьера. Т/с "Сваты-5".  
22.05 Премьера. "Горюк".

## НТВ

03.55 "НТВ утрое".  
06.30 Т/с "Морские дьявола".  
07.30 08.20 13.30 16.30 Обзор.  
Чрезвычайное происшествие.  
08.00 11.00 14.00 17.00 Сегодня.  
08.55 "До суда".  
10.00 Суд присяжных.  
11.25 "Судебный детектив".  
12.40 Центр помощи "Анастасия".  
14.25 "Прокурорская проверка".  
15.40 "Говорим и показываем", Ток-шоу с Леонидом Заволонским.  
17.30 Т/с "Шаман".  
19.25 Детективный Т/с "Дикий-2".  
21.15 Сегодня. Итоги.  
21.35 Честный понедельник.  
22.25 "Школа зловещих".  
23.10 Главная дорога.

## РОССИЯ 2

05.25 "В мире животных".  
06.00 08.00 11.00 16.15 00.35 Вести-Спорт.  
06.10 "Все включено".  
07.40 "Индустрия кино".  
07.40 10.40 ВЕСТИ.П.  
11.55 Вести-Спорт. Местное время.  
08.20 Х/ф "Налочник".  
10.10 "Наука 2.0. Программа на будущее". Многоязыкий мир.  
11.15 "Футбол".  
12.00 Плавание. Международный турнир Кубок Салтинкова.  
14.05 Поездка из Петербурга.  
15.50 "Биатлон с Дмитрием Губерниевым".  
14.30 Биатлон. Кубок мира.  
Трансляция из Австрии.  
16.30 "Футбол".  
17.20 Рай Лиотта в фильме "Уверенность".  
18.30 "Рэмбо 4".  
21.00 "Нелега спорта".  
21.55 "Флоренция. Ровина жестокого убийства".  
23.00 "Наука 2.0. Опыт диетолога".

## СТС

05.00 13.00 М/с.  
07.00 17.30 "Легкая мотополюс".  
08.30 10.15 21.45 23.00 00.30 "6 кадров".  
08.30 Х/ф "К-9. Собачья работа-3".  
12.00 12.30 14.30 "Ершши".  
13.00 "Патина лочки".  
16.30 "Талисман".  
18.00 "Вороница".  
18.30 "Молодежь".  
19.30 "Световой".  
20.00 Х/ф "Слов. Первое в сердце".  
США - Россия - Германия, 2011 г.  
23.30 Кино в деталях с Федором Бондарчуком.

## ТВ3

05.00 М/ф.  
05.30 Т/с "Третья планета от солнца".  
06.00 Док/ф "Необыкновенные животные".  
06.30 Док/ф "Ребитам от зверятка".  
07.00 Т/с "Зена - королева воинов".  
08.00 15.00 Т/с "Неразгаданный мир".  
09.00 "Как это сделано".  
09.30 Док/ф "Мир в разрезе".  
10.00 "Далеко и еще дальше".  
11.00 18.00 Т/с "Карамель".  
12.00 Х/ф "Долгий поездку на ночь".  
14.00 Т/с "Притворщик".  
16.00 Т/с "Кукольный дом".  
17.00 Т/с "Запрты наступит сегодня".  
19.01 Т/с "Каси".  
20.00 Док/ф "Апокалипсис. Безумие".  
21.00 Х/ф "Ворон".  
22.45 Т/с "Притворщик".  
23.45 "Покер дуэль".

Хабарлар

2011-йил 19-декабр  
50 (1004)-сон

7

**О'ЗБЕКИСТОН**

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 'Ассалом, Ўзбекистон'  
7.00 'Иқлим'.  
7.05 'Одам ва одам' дастури: Табиат мўъжизалари.  
7.20 'Кўнги қўшиқ истайди'.  
7.25 'Сунити қиролна'. Т/с.  
8.00 'Абзор'.  
8.40 - 9.15 'Маммавино' дастури.  
9.15 'Кўрсатувлар саргушаштар'. М/с.  
9.25 TeleTemp: 'Тотилган туғилу'.  
10.00 ТВ - широкор.  
10.15 'Ҳақиқат сабоғи'. Т/с.  
11.00 'Абзор'.  
11.15 'Жажон Доррин'. Т/с.  
12.00 'Ассалом, Ўзбекистон'  
12.50 'Кўнги қўшиқ истайди'.  
13.00 'Абзор' /инглиз/.  
13.10 Миллий сериал: 'Умр манзиллари'.  
13.15 'Абзор'.  
13.45 'Сериал қайим'. М/с.  
14.00 'Абзор'.  
14.20 Дунё манзаралари'.  
14.40 Миллий сериал: 'Опа - сингллари'.  
15.15 'Иқлим'.  
15.20 'Одам ва одам' дастури: 'Узоқинлар ҳаёти'.  
16.10 'Телекор хабарлар'.  
16.30 ТВ - анион.  
16.25 'Нажойини анишди'.  
16.40 'Ўзбекистон табиати'.  
17.00 'Абзор'.  
17.15 'Сунити қиролна'. Т/с.  
17.25 'Иқлим'.  
18.00 'Кўнги қўшиқ истайди'.  
18.05 'Абзор саёсири'.  
18.15 'Эртанлар - ишчинока етаклар'.  
18.25 'Кун мавзуси'.  
18.35 ТВ - анион.  
18.40 Миллий сериал: 'Умр манзиллари'.  
19.15 'Муслиқ айлони'.  
19.20 'Сезинанг алоқатинг'.  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 'Абзор' /рус/.  
20.10 'Олтин мерос'.  
20.20 Миллий сериал: 'Опа - сингллари'.  
21.00 'Абзор'.  
21.45 'Истиқлол солномаси'.  
22.45 'Ҳақиқат сабоғи'. Т/с.  
22.80 'Иқлим'.  
22.85 'Жажон Доррин'. Т/с.  
23.20 'Одам ва одам' дастури: Табиат мўъжизалари'.  
23.45 - 23.55 'Оғун'.  
23.55 Кўрсатувлар дастури.  
00.00 'Кун мавзуси'.  
00.10 TeleTemp: 'Тотилган туғилу'.  
00.55 'Кўнги қўшиқ истайди'.  
1.00 'Абзор' /рус/.  
1.35 - 2.35 'Маммавино' дастури.  
2.35 'Иқлим'.  
2.40 'Нажойини анишди'.  
2.55 'Олтин мерос'.  
3.00 'Ассалом, Ўзбекистон'  
4.00 'Абзор'.  
4.45 Миллий сериал: 'Опа - сингллари'.  
5.30 'Мен билишмен'.  
5.30 'Ўзбекистон табиати'.  
5.50 - 5.55 'Оғун'.



6.00 'Ватан меҳри'.  
6.10 'Муълалпаноҳрама'.  
6.40 'Морена Клар'. Т/с.  
6.40 'Ёшлик навоилари'.  
9.00 'Афсона ва ҳақиқат'.  
10.00 'Длар'.  
10.10 'Камолот-наро'.  
10.30 'Келин'. Т/с.  
11.20 'Ҳанлар дostonи'.  
11.50 'Сув - ҳаёт минбағи'.  
12.00 'Қирон ва қайнақ'. Т/с.  
12.50 'ЎзЕХ'.  
13.00 'Длар'.  
13.10 'Муълалпаноҳрама'.  
13.30 'Қўнжак дларбо'.  
14.00 'Доктор Қўнжик'. Т/с.  
14.50 'Ёшлик навоилари'.  
15.10 Миллий сериал: 'Мемножонлардин айлан'.  
15.50 'ЎзЕХ'.

16.00 'Длар'.  
16.10 'Унингдати фериштам'.  
16.20 'Катта тинчлов'.  
16.30 'Винна Пух'. М/с.  
17.10 'Муабобат қирсалари'. Б/ф.  
18.50 'ЎзЕХ'.  
19.00 'Длар'.  
06:30 "Пойтахт хабарлари"  
06:35 "Форум вақти"  
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
06:55 11:55 20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви  
07:00 "Янги аллоҳ"  
07:15 Мультифилм  
07:50 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
07:50 "Бизнесс репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури  
08:00 "Хорик хабарлари"  
08:05 "11:00 15:20 21:00 "Хорик хабарлари"  
08:05 "Taxi.UZ"  
08:40 "Муслик вақти" дастури  
09:00 "Худудий хабарлар"  
09:05 "Ташаккур" т/с (23-қисм)  
09:45 16:45 19:35 "Бизнесс промо"  
10:00 "Пойтахт хабарлари"  
10:05 "Бунӣ ҳаёт дегилар" кўрсатуви  
10:25 "Қўтилмаган томоша"  
10:45 "Эсайсизим" кўрсатуви  
11:05 "Сайрағимиз сир-синоатлари" х/ф  
11:40 "Муслик вақти" дастури  
12:00 "Худудий хабарлар"  
12:05 "Мақруҳ" б/ф  
14:00 "Тошояна"  
14:30 "Парламент 5 даққа"  
14:35 "Худудий хабарлар"  
14:40 "Форум вақти"  
15:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
15:25 "Қўтилмаган томоша"  
15:35 "Муслик вақти" дастури  
16:00 "Пойтахт хабарлари"  
16:05 "Зўлат кўчалар" т/с (79-қисм)  
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси  
18:00 "Ташаккур" т/с (24-қисм)  
18:30 "Болалар ҳудуди"

18:45 Мультифилм  
19:00 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
19:15 "Муслик вақти" дастури  
19:45 "Зўлат кўчалар" т/с (80-қисм)  
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
20:50 "Бизнесс репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури  
21:05 "Қотқон" кўрсатуви  
21:45 "Фред Клаус" б/ф премьераси  
23:45 "Муслик вақти" дастури  
00:00 Тунги кинозал: "Уч кунда қочиб" б/ф  
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

### Шанба

06:00 Мумтоз наволар  
06:30 "Худудий хабарлар"  
06:35 "Форум вақти"  
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"  
06:55 "Оналик бахти" кўрсатуви  
07:00 "Яшил кайфият"  
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
07:50 "Бизнесс-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури  
08:00 "Хорик хабарлари"  
08:05 "Парламент соати"  
09:05 "Ташаккур" т/с (20,21,22,23,24-қисмлар)  
11:35 "Оналик бахти" кўрсатуви  
12:00 "Дилдор ширин" мусиқий-дам олиш дастури  
13:30 "Фред Клаус" б/ф  
16:00 "Муслик вақти" дастури  
16:15 "Супер келинчак" теле-шоу  
16:45 19:30 "Бизнесс промо"  
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси  
18:00 "Карил денгиз қароқчи-лари" б/ф  
19:45 "Оналик бахти" кўрсатуви  
19:50 "Муслик вақти" дастури  
20:00 "Парламент соати"  
20:20 "Эсайсизим" кўрсатуви  
20:30 "Озод шоу" кўнгилочар кўрсатуви  
21:30 "Егача услуб" б/ф (Хиждистон)  
00:30 "Муслик вақти" дастури  
00:45 Тунги кинозал: "Пирамид" б/ф  
02:45 Тунингиз хайри бўлсин!

### Якшанба

06:30 Мумтоз наволар  
07:00 "Форум вақти"  
08:00 Болалар соати  
09:00 "Зўлат кўчалар" т/с (76,77,78,79,80 қисмлар)  
11:30 "25-қалр" киноқўрсатуви  
11:55 "Оналик бахти" кўрсатуви  
12:00 "Озод шоу"  
12:30 "Қўтилмаган кўрсатуви"  
13:00 "Егача услуб" б/ф (Хиждистон)  
16:00 НТТга мусиқа  
16:15 "Тошояна"  
16:45 "Бизнесс промо"  
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси  
18:00 "Рождество тарихи" б/ф  
19:40 "Бизнесс репорт"  
19:45 "Оналик бахти" кўрсатуви  
19:50 "Муслик вақти" дастури  
20:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви  
20:20 "Супер келинчак" теле-шоу  
21:00 "Дилдор ширин" мусиқий-дам олиш дастури  
22:30 "Ендирали куйдиричи" б/ф премьераси  
00:00 "Муслик вақти" дастури  
00:15 Тунги кинозал: "Трансформерлар-3" б/ф  
02:15 Тунингиз хайри бўлсин!

# Қорбобога мактублар

АҚШда "Санта-Клаус" деб номланган, ҳамма қатнашиши мумкин бўлган, почта акцияси давом этапти. Гап шундаки, ҳар йили америкалик почтачилар болажонларнинг манзили Шимоллий Кутб дея кўрсатилган, қорбобо (Санта-Клаус)га атаб ёзилган минглаб хатларини олишади.

Болалар, одатда, мактубда ўзлари, оиласи, қандай совғани орзу қилишлари тўғрисида ёзишади. Бегубор орзулар кўпинча ўйинчоқлар: йиғма ва электрон қурилмалар билан чекланди-да, хат жўнатувчилар орасида камбағал оилалар фарзандлари ҳам борлигини унутмаслик керак. Улар қорбободан ўзларига кийим-кечак, китоблар ва шунга ўхшаш зарур нарсаларни совға қилишни ил-



тимос қилишади.

Почтачилар хатларни саралашда Санта-Клаусга ёзилганларини алоҳида қўтиларга жойлаштиришади. Саховатли амалга ҳар ким қўшилиши мумкин: бунинг учун федерал почта бўлимларидан бирига кириб,

"буюртма" хатлардан бирини танлаб, дўкондан бирон-бир совғани харид қилиб, уни жўнатма кўринишида хатнинг жажжи соҳибига юборса бас. 24 декабр куни почтачилар "сеҳрли қўтилар"ни эгаларига етказишади.

## Стив Жобс маркаларда

Венгрия почтаси Apple компаниясининг афсонавий асосчиси Стив Жобсга бағишланган почта маркалари ва откриткаларини чиқарди. Почта бошқармасининг хабар беришича, уларнинг адади 5 минг нусхани, баҳоси — 4 долларни ташкил этади.

Маркада Жобс тасвирланган. Откриткаларда эса унинг кашфиётлари ўз аксини топган. Шунингдек, уларга дунёга машҳур "Рубик кубиги" муаллифи — венгр профессори Эрно Рубикнинг Жобс хотирасига бағишланган сўзлари илова қилинган.

### TAHLIL

## Netcraft: Веб-сайт ва серверлар

Netcraft веб-мониторинг компанияси интернетдаги сайтлар ва шахсий блоглар ҳақидаги 1 декабр маълумотини эълон қилди. Маълумот берилишича, бу пайтга келиб интернетдаги сайтлар сони 555 млн. 482 минг 744тани ташкил этган, бу бир ой олдингидан 29,5 млн.тага ёки 5,6 фоизга кўпдир.

Энг оммавий веб-серверларга гўхталадиган бўлсақ, улар жорий йил июн ойидан буён ўзлари хизмат кўрсатаётган лойиҳалар базасини барқарор кенгайтиришда давом этапти. Жорий

Энг йирик веб-серверларнинг бозор улуши (Netcraft маълумоти)

Веб-сервер	2011 йил ноябр	Улуши	2011 йил декабр	Улуши	Ўзгариш
Apache	100,516,026	58.36%	102,005,032	58.21%	-0.15
Microsoft	21,109,639	12.26%	21,572,870	12.31%	0.05
Nginx	19,982,947	11.60%	20,342,324	11.61%	0.01
Google	14,215,141	8.25%	14,240,979	8.13%	-0.13

ойда энг катта ўсиш Арасхеда кузатилди, веб-сервер ўз базасини деярли 20 млн. хостга ошира олди — бу охириги беш ойдаги энг яхши натижа. Кейинги ўринни 1,2 млн. хостлик ўсишга эга Microsoft IIS

эгаллади, бироқ, умуман олганда, мазкур сервер умумий базасини йўқотмоқда. Nginx веб-сервери эса, аксинча, бир ой аввалги йўқотишлардан ўзини тиклаб олди ва умумий бозорнинг 11,61 фоизини банд этди.

## Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Марғилон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходими Тожибек ФОЗИЛОВни муборак 60 ёши, филиал бўлим бошлиғи Бахтиёржон ЙЎЛДОШЕВ ҳамда Куvasой шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходими Сайби АСАНОВАНИ 55 ёшлари билан самимий табриклайди. Уларга соғлиқ-омонлик, фарзандлари камолини кўришликни тилайди.

\*\*\*

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси ўзининг 60 ёшини нишонлаётган Учкўприк почта алоқаси тармоғи ходими Раҳматали ТИЛАВОЛДИЕВни қизгин муборакбод этади. Унга мустаҳкам саломатлик, фарзандлари бахту иқболини кўришликни тилайди.



## АТ-хабарлар

Жанубий Америкада биринчи LTE тижорий тармоғи қурилади. Лойиҳа Колумбиянинг энг йирик кенг йўлди алоқа оператори — UNE ва Хитойнинг Huawei компанияси ҳамкорлигида амалга оширилади.

Хитойликлар океан ортига SingleRAN LTE ва пакетли таянч тармоқ ечимлари, терминал қурилмалари, жумладан, жаҳондаги биринчи беш режимли LTE (E392) USB-модемлари етказишни ўз зиммаларига олишган.

Лойиҳанинг дастлабки босқичи Богота ва Меделин шаҳарларини қамраб олади.

Хитойнинг энг йирик мобил алоқа оператори China Mobile иккинчи йил қаторасига ХХРдаги энг қиммат савло белгиси сифатида эътироф этилди — 53,6 млрд. доллар. Жаҳоннинг йирик WPP реклама агентлиги тадқиқотида жами 50та Хитой компанияси қатнашиб, улар бизнес самарадорлиги ва ишлаб чиқариш, мижозлар талабларини қондириш каби кўрсаткичлари бўйича баҳоланди.

China Mobileдан кейинги бешта ўрин молиявий муассасаларга тегишли. Брендининг қимматлашиши борасида бир йилда энг юқори ўсиш Sina интернет-компаниясида кузатилди.

WPP етакчи ўнлиги: 1. China Mobile, 2. ICBC, 3. China Construction Bank, 4. Bank Of China, 5. Agricultural Bank Of China, 6. Baidu, 7. China Life, 8. Sinopec, 9. PetroChina, 10. Tencent.

Швеция телекоммуникация қурилмалари ишлаб чиқарувчиси — Ericsson компанияси тахминларига кўра, 2012 йили жаҳон смартфонлар бозорига рақобат кескинлашиб, 4 ядролу процессорлар ўрнатилган ва LTE стандартидаги алоқа тармоқларига мўлжалланган мобил аппаратларга талаб ошади.

"Янаги йили смартфонлар барча кўрсаткичлар бўйича ҳозиргиларидан мукаммалашади. Ишлаб чиқарувчилар бунчалик кўп функцияли телефонлардаги батареяларнинг энергия самарадорлигини сақлаш борасида муаммоларга дуч келишлари турган гап", — дейишмоқда Ericsson мухтассислари.

Жанубий Кореянинг саноат конгломерати Hyundai Group мамлакатда яна бир мобил алоқа оператори тузишдек улкан лойиҳани инвестициялашдан бош тортди. Мазкур лойиҳага кўра, Hyundai Securities ва Hyundai U&I компаниялари молиявий донорлигида Кореядаги ўрта ва кичик бизнес корхоналари янги мобил алоқа оператори (Internet Space Time/IST)га асос солишмоқчи эди.

Компания ташкил этган матбуот анжуманида мобил алоқа бозорига кирмоқчи эмаслигини, шундоқ ҳам кескин рақобат кузатилаётган алоқа хизматлари бозориди маҳаллий компанияларга мушкулот туеиришни истамаганини билдирган.

Эслатиб ўтамыз, бугунги кунда Корея Республикасида учта мобил алоқа компанияси — SK Telecom Co., KT Corp ва LG Uplus Corp. фаолият кўрсатяпти.

YouTube видеохостинги мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган янги сайтини ишга туширди. YouTube for Schools лойиҳаси болалар учун таълим контенти (ҳозирча инглиз тилидаги)ни тақдим этиш билан бирга, болалар ва ўсмирлар руҳиятига салбий таъсир этиш эҳтимоли мавжуд ҳар қандай роликлардан холидир.

Мактаб лойиҳасида компания мавзулар, томошабинларнинг ёши ва бошқа омиллар бўйича тақсимланган видеоларнинг турли плейлистрларини таклиф этапти. Бу тадбир орқали компания илгари ўзи тўғрисида салбий муносабатда бўлган турли таълим муассасалари ишончини қозонишга умид қияпти.

Европа Иттифоқига аъзо 27 мамлакат барча жамоат ҳукумат маълумотларини рақамлаштириши ва очиқ кўринишда интернетга жойлаштириши шарт. Бу ҳақда уюшма комиссари Нели Кроес маълум қилган. Умумфойдаланишга мўлжалланган бу маълумотлар сирасига ҳар хил ҳисоботлар, бланклар, формулярлар, маълумотномалар, жумладан, об-ҳаво маълумоти, статистика ва ҳоказолар қиради.

АҚШда 186 Гбит/сония тезликдаги маълумот узатиш технологияси синовдан ўтказилди. Янги технология улкан ҳажмли маълумот, айтилик, юқори сифатли видеони жуда олис масофага, масалан, океан туби орқали етказишда қўлланилиши мумкин. Бунда ҳозир амалда бўлган 40 Гбит/сонияли магистрал каналлардан фойдаланиш мумкин.

# Таълимда мултимедиа интерактив хизматларни ташкил қилиш

Жамиятнинг тараққиёт даражаси, давримизнинг ахборот асрига айланиши шароитида ёшларни етук, вазиятни тезда баҳолайдиган, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри ва оқилона қарор қабул қила оладиган малакали мутахассис қилиб тайёрлаш учун фақат анъанавий услубларга таяниб дарс ўтиш етарли эмас. Бу эса таълим тизимида жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланишни талаб қилади.

Шу талабдан келиб чиқиб, республикамиздаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабаларининг билим даражасини ошириш мақсадида автоматлаштириш ва интерактив хизмат кўрсатиш тизимлари яратилди ва ҳозирги кунда бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Талабаларни қизиқтириш ва жалб қилиш мақсадида “интерактив” сўзига “мултимедиа” сўзини қўшган ҳолда таълимда мултимедиа интерактив ўргатувчи дастурий мажмуани яратишга ўз диққатимизни қаратамиз.

Мултимедиа интерактив ўргатувчи дастурий мажмуа замонавий ахборот технологиялари асосида яратилиши лозим бўлиб, таълим жараёнида талабаларга мустақил равишда мутахассислиги бўйича фанлардан фойдаланиш кўникмаларини беради. Бу дастурни яратишда товуш, видео, графика, матн, анимация ёрдамида мулоқотда бўладиган аппарат ва дастурий мултимедиа воситаларидан фойдаланилади. Мултимедиа интерактив тизимида талабалар шахсан ўзлари товуш ва видеотасвир ёрдамида дастурларда қатнашиш имкониятига эга бўлади.

Дастурий мажмуа бир қанча бўлим ва амалиётлардан ташкил топган бўлиб, амалиётлар асосан изоҳли, графикали, товушли, видеоли ва анимацияли кўринишда мултимедиа воситалари ёрдамида тўлиқ намоиш этилади. Бунда фанлар кафедраларга бириктирилган бўлиб, талабалар ўзига керак бўлган фан ёки маълумотларни ўша кафедралар орқали топиши ёки

“қидирув” бўлимидан фойдаланиши мумкин.

Биз бу дастурнинг ишлаш тартиблари орқали ўқитиладиган дарсликлар ҳақида сўз юритишдан олдин шу тартибларга таъриф бериб ўтаемиз:

Намойиш тартиби — бунда танланган бўлимдаги материаллар: изоҳли, графикали, товушли ва анимацияли кўринишдаги маълумотларни талабаларга етказиб бериш жараёни.

Амалиёт тартиби — намоиш тартибидан ўрганган билимларни чуқурлаштириш мақсадида ўз фаолиятини амалиётда бажариш жараёни ҳисобланади.

Баҳолаш тартиби — талабанинг иккала тартибдан ўрганган билимлари натижасини баҳолаш жараёни ҳисобланади.

Мултимедиа интерактив ўргатувчи дастурнинг ишлаш тартибидан фойдаланишда талабаларга қисмларга мос равишда ажратиб чиқилади. Булар:

Намойиш тартибидан ўқитиладиган дарсликлар: ўқитиш (дарсликлар), тақдимот, видеоконференциялар, видеороликлар, график пакетлар ва бошқалар.

Амалиёт тартибидан ўқитиладиган дастурлар: лаборатория машқлари, амалиёт машқлари, ҳар хил танловлар ва ҳоказо.


Баҳолаш тартибидан ўқитиладиган дарсликлар: тестлар, даволат, савол-жавоблар ва бошқалар.

Бундан ташқари, дастуримизнинг асосий бўлимларини келтириб ўтаемиз:

## Дастурнинг ишлаш тартиби



## Дастурнинг асосий бўлимлари



– машғулотларни амалий бажаришда интерактив машқ муҳити мавжудлиги;

– дастурнинг машғулотлар базаси доимий равишда янгиланиб туриши;

– дастурнинг қулай ва олдий интерфейси ҳамда навигацияга эга бўлиши;

– машғулотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланиши.

Таълимда мултимедиа интерактив хизматдан фойдаланилса, ўқув тизимлари доирасида ўзининг ижобий ўрнини топган ҳолда талабаларнинг билим даражасини янада оширишга ёрдам бериши, шубҳасиз.

Шоҳиста ИСКАНДАРОВА,  
ТАТУ талабаси

Ёши улуғларимиз қўлларини дуога очганларида, албатта, юртга тинчлик-хотиржамлик тилашади. Бу дуо замиридаги тилак ва истак қанчалар улуғ, қанчалар азиз ва муқаддаслигини ҳис қила билишимиз зарур.

Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, Ўзбекистон аталмиш навқирон юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон. Бунинг замирида қанчалар қанча меҳнат ва машаққат борлигини ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ҳис қила билмоғи зарур. Ана шундай меҳнат ва машаққатларни ўзининг бурчи санаб, халқ тинчлиги ва осойишталигини сақлашда керак бўлса кўксини қалқон қилишга тайёр турган мард, жасур Ватан ҳимоячиларимиз бор. Она Ватанни ҳимоя қилишдан ортиқроқ, халқ осойишталигини таъминлашдан

да эзгуроқ юмуш йўқлигини юртимизнинг ҳар бир фарзанди ўз қалбига жо қилиб олган. Ота-боболаримиз бизни курашга, мардликка ва Ватанни ҳимоя қилишга ўргатиб келишган ҳамда жаҳонга доғруғи кетган буюк саркарда Амир Темури, Жалолддин Мангуберди ва Бобур сингари боболаримизнинг ҳарбий соҳаданги ишлари ҳозирги миллий армиямизнинг шаклланишида дастуриламал бўлмоқда. Президентимиз, миллий армиямизнинг Бош қўмондони И.Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳарбийларимизга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрликлар туфайли Куролли Кучларимиз тобора кучқудратга эга бўлаётганлигига гувоҳ бўляемиз. Гурур ва ориятли баланд ўғлонларимиз орасида ҳарбий соҳани ўзига бир умрлик касб қилиб танла-

ган ёшларимиз сони тобора ортиб бораётганлиги кишини беҳад қувонтиради. Демак, камолу ишонч билан айтишимиз мумкинки, юртимиз тинчлиги муносиб қўлларда. Бундай ёшлар шу соҳага йўналтирилган ҳарбий ўқув даргоҳларида ҳар томонлама чуқур билим эгаллайдилар. Ана шундай билим масканларидан бири Тошкент ахборот технологиялари университетининг офицер кадрлар тайёрлаш бўйича махсус факултетидир. Шунингдек, тезкор тактик қисмлар учун олий маълумотли офицерларни ҳамда ҳарбий-илмий ва ҳарбий-педагогик кадрларни тайёрловчи, ҳарбий соҳаданги муаммоларни тадқиқ этувчи Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси Марказий Осиёда ягона эканлиги ҳар қандай мақтовга лойиқдир. Ҳозирда ҳарбий

йўналишда таълим олаётган ёшлар ҳавас қилгудек натижаларга эришяптилар. Бунга эса уларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, ўқиш ва ҳарбий соҳанинг нозик сир-асрорларини мукамал эгаллаш учун берилаётган кенг даражадаги билим ва имкониятлар омил бўлмоқда.

Бир неча йилдирки, ҳарбий имтиёзга эга захирадаги аскарларимиз юртимизнинг турли олий ўқув юртиларига имтиёзли равишда қабул қилиниб, таълим олмақдалар. Шу жумладан, бизнинг ТАТУ Фарғона филиалида ҳам ана шундай йигитлар кўпай топилди.

Биз Ўзбекистон ёшлари, ҳар қандай соҳада ва ҳар қандай жабҳада юртимизнинг порлоқ истиқболини кўз қорачигимиздай асраб ҳимоя этмоғимиз зарур.

Исоқжон ДЕҲҚОНОВ,  
ТАТУ Фарғона филиали  
3-босқич талабаси

➔ VATAN HIMOYASI — MUQADDAS BURCH

## ЭЗГУ ИШ



# Рекордлар китобида пешқадам маскан

(Давоми. Аввали газетанинг 44-сонид.)

## Дастлабки ислохотлар

АҚШ Конгресси кутубхонаси фаолиятида, 1897 йилдаги ислохотлар натижасида, ҳар томонлама ривожланиш ва ўсиш бошланди. Спюффорддан сўнг Кичик Жон Рассел Конгресс кутубхонаси кутубхоначиси лавозимида атиги икки йил ишлаган бўлса ҳам кутубхона иш юритиш тизимини қайта кўриб чиқди, собиқ дипломат сифатида ўз алоқаларини ишга солган ҳолда бутун дунёдан жуда кўплаб материалларни олиб келди, бундан ташқари, кутубхонада кўзи оғизлар ҳамда имконияти чекланган инсонлар учун биринчи ёрдам дастурини жорий этди.

Жон Расселдан кейин Конгресс кутубхонасини 1899 йилдан 1939 йилгача — қирқ йил давомида Герберт Путмэн бошқарди. Путмэн фаолиятининг дастлабки икки йилдаёқ ўзида бир миллион томни жамлаган кутубхона Қўшма Штатлар кутубхоналари орасида биринчи ўринга чиқиб олди. Путмэн ўзининг бутун диққат-этиборини жамоатчилик ҳамда бошқа кутубхоналар учун кўпроқ фойдали ва қулай кутубхона ташкил этиш масаласига қаратди. У кутубхоналараро сўда хизматини жорий этиб, ўзи "сўнгги русумдаги кутубхоналар" дея номлаганидек, Конгресс кутубхонасини тубдан ўзгартирди. Шунингдек, илмий тадқиқотчиларнинг кутубхона сақловчисига киришини кенгайтириб, олимллар фойдаланиши учун дастлабки манбаларни тақдим этишни бошлади. Шунингдек, у 1903 йили президент Теодор Рузвелтни давлат департаментидаги Америка асосчилари ҳужжатларини ҳукумат буйруғи билан Конгресс кутубхонасига топширишга кўндирди.

Бундан ташқари, 1904 йили Индика кутубхонасининг тўрт минг томли, 1906 йили рус кутубхонасида Г.В.Юдиннинг 80000 томли коллекциясини сотиб олди, 1908 йили Шатцинг турли опера-либретто коллекциялари ва Россия Империяси Коллекцияларини сотиб олишга киришди. 1930-йилларда Романовлар оиласи кутубхоналаридан 2600 томдан иборат китобларни сотиб олди. Небага коллекциялари, хитой ва япон ишланмалари коллекциялари ҳам келтирилди. Конгресс ҳатто 1929 йилда миссиялилик конгрессмен Росс Коллинснинг Отто Воллберг коллекциясини 1,5 миллион долларга сотиб олиш таклифини ҳам муваффақиятли амалга оширди. Шу тариқа Гуттенберг чоп этган Инжил пергаментининг сақланиб қолган тўрттадан битта нусхаси Конгресс кутубхонаси хазинасидан жой олди.

1914 йилда Путмэн кутубхонанинг алоҳида маъмурий бирлиги сифатида Ҳаволалар Қонунчилиги Хизматини ўрнатди. 1925 йилда эса Конгресс кутубхонасига санъат асарларига ҳомийлик қилиш мақсадида ҳаётларни қабул қилиш учун ишончнома билан берилган мулкларни бошқаришни жорий этишга рухсат берувчи қонунни қабул қилди. Қабул қилинган қонун самараси



**ФАКТ:** Ушбу мамлакатда ҳар сонияда 57та китоб харид қилинади.

ўларок, кутубхона Жон Д.Рокфеллер, Жеймс Б.Вилбург ва Арчер М.Хантингтон сингари таниқли кишилардан турли қимматбаҳо ҳадялар қабул қилиб олди.

Олиб борилган бу кенг кўламли ишлар кутубхонани янги тузилма бўйича кенгайтиришни тақозо этди. Конгресс 1928 йилда кутубхона яқинидан қўшимча жой ажратди ва 1930 йилда янги бино (кейинчалик Жон Адамс Биноси) қурилишига рухсат берди. Аммо таназзул даври сабаб қурилиш анча орқага сурилиб кетди. Ниҳоят, янги бино 1938 йилда битиб, 1939 йилда жамоатчилик учун очилди.

## Кутубхонанинг замонавий (1939 йилдан сўнгги) тарихи

1939 йилда, Путмэн вазифасидан кетганидан сўнг, Франклин Д.Рузвелт Арчибалд МакЛеишни кутубхона бошқарувчиси лавозимига тайинлади. МакЛеиш кутубхоначилик қилган 1939 йилдан 1944 йилгача Конгресс кутубхонаси ҳар томонлама ривож топди ва у энг машҳур кутубхоначи сифатида тарихда қолди. МакЛеиш фаолияти мобайнида демократия номидан барча кутубхоначиларни тоталитаризмга қарши ташвиқ қилди. Бундан ташқари, кутубхона ҳарбий тўқнашувлар даврида Форт Ноксда Қўшма Штатлар Конституцияси ва Мустақиллик декларациясини сақлаб қолишдан тортиб, Ҳаво кучлари учувчилари учун Ҳимолой устида олиб борилган об-ҳаво тадқиқотларига ҳам бўлган ишларни сақлаб қолишни амалга оширди. МакЛеиш 1944 йилда Давлат котиби ўринбосари лавозимига ўтганидан сўнг президент Гарри Трумэн Конгресс кутубхоначилигига Лютер Х. Эвансга тайинлади. 1953 йилгача ушбу вазифани бажарган Эванс ҳам кутубхонани кенгайтирди, библиографик хизматларни жорий этди, аммо унинг энг муҳим иши бутун дунё бўйлаб Конгресс кутубхонаси Миссиясини ташкил этгани бўлди. Миссия дунёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим рол ўйнади: Сан-Францискода

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уюштирган учрашув қатнашчиларига ёрдам берди, Европада Европа публикацияларини Конгресс кутубхонаси ва Американинг бошқа кутубхоналарига олиб келиш билан шугулланган бўлса, Японияда парламент кутубхонасини ташкил қилишга кўмак берди.

1953-1974 йилларда Конгресс кутубхонасини бошқарган Эванс Куинс Мамфорд эса фаолиятини кутубхонанинг таълимий харажатларини кенгайтиришга йўналтирди ҳамда кутубхона учинчи биноси — Жеймс Мэдисон Мемориали Биносини қуриш ташаббусини илгари сурди.

## Дунёда пешқадам

Конгресс кутубхонаси Гиннесснинг Рекордлар китобида ҳозирда "Дунёдаги энг катта кутубхона" сифатида пешқадам бўлиб турибди. Бу, албатта, кутубхона коллекциялари жойлашган майдон кўрсаткичи билан боғлиқ. Маълум бўлишича, кутубхона коллекциялари тахминан 650 мил (850 км) (таққосланса, Британия кутубхонаси тахминан 625 км) майдонни тўлдирган. Ҳисоб-китобларга кўра, агар Конгресс кутубхонаси босма нашрлари рақамли шаклга ўтказилиб, оддий матн ҳолида сақланса, 17-20 терабайт маълумотларни ташкил қилар экан. Аммо бу борада ҳақиқатча режалар ишлар олиб борилаётгани йўқ, 1994-2007 йиллар мобайнида кутубхонада сақланган барча матнли материалларнинг 10 фоизга яқини рақамлаштирилган, холос. Сканирлаш тезлиги кунига тахминан 75-200 ҳужжатга тўғри келади.

Кутубхонанинг American Memory сайтида миллионлаб рақамли объектлар ташкил этилган. American Memory тасвирий санъат соҳаси, шунингдек, аудио, видео ва интернетда архивлаштирилган ижтимоий ресурслар учун манба ҳисобланади. Кутубхона каталоглари, нашрлари барча рўйхати бўйича бевосита унинг веб-сайтидан консултация олиш мумкин. Шунингдек, Конгресс кутубхонаси Конгрессда қўриладиган йиғилишлар матни, Конгресс ба-

ённомалари матни, йиғилиш резюме ва статуслари, Конгресс баённомаси индекси ва Қўшма Штатлар Конституцияси онлайн архивини тақдим этади. Бундан ташқари, кутубхона кўзи оғизлар ва имконияти чекланган кишилар учун Кутубхоналар Миллий Хизматини бошқаради.

Аксарият ижтимоий кутубхоналарда Дивю (Dewey) ҳисоблаш тизимидан фойдаланиш давом этаётган бир вақтда кутубхона Конгресс Кутубхонаси Классификацияси (LCC) номи остидаги китоб классификациялари тизимини кенгайтириб олди. Мазкур LCC тизими Американинг кўплаб илмий ва университет кутубхоналарида ҳам жорий этилган. Кутубхона, ўз навбатида, муаллифлик ҳуқуқини рўйхатга олиш ва ҳимоялаш мақсадида юридик сақловхоналарга ҳам хизмат кўрсатиб, Қўшма Штатлар Муаллифлик ҳуқуқи учун асос вазифасини бажарди.

Кутубхона кенг миқёсдаги академик тадқиқотлар, ташриф буюрувчилар саёҳати учун доимо очиқ. Кимда ким "ўқувчилик гувоҳномаси"га эга бўлса, у ўқув залига кириб, коллекцияларга боғлана олади. 16 ёшдан ошган ҳар бир киши шахсини тасдиқловчи бирор ҳужжат, масалан, ҳайдовчилик гувоҳномаси, лавозим ҳужжати ёки паспорт тақдим қилганидан сўнг Мэдисон биносидан ўқувчилик гувоҳномасини олиши мумкин.

## Конгресс кутубхонаси учта йирик бинода жойлашган:

Томас Жефферсон Биноси дастлаб кутубхонанинг асосий биноси сифатида 1897 йилда очилган. Бино жорий номга 1980 йилнинг 13 июнида эга бўлган.

Жон Адамс Биноси 1938 йилда асосий бинога қўшимча тарзда қурилган бўлиб, 1976 йилдан 1980 йилгача Томас Жефферсон Биноси сифатида машҳур бўлган.

Жеймс Мэдисон Мемориали Биноси эса 1981 йилда фойдаланишга топширилган. Бу бинода Конгресс кутубхонасининг ҳуқуқий адабиётлари ҳам жойлашган.

2000-йиллар маълумотида кўра, кутубхона жамғармаси 130 миллион бирликин ташкил этган. Жумладан:

- 470 тилдаги 30 миллиондан ортиқ китоб ва бошқа босма материаллар;
- бутун дунёда чоп этилган миллиондан ортиқ газеталар;
- 58 миллион кўлёмалар;
- АҚШ ҳукуматининг миллиондан ортиқ ёзишмалари;
- 4,8 миллионга ҳарита;
- 12 миллионга фотосуратлар;
- 2,7 миллионга овозли ёзувлар;
- 500 минг микрофилмлар.

Фондининг йиллик ўсиши — 1-3 миллион сақлов бирлигига тенг.

Конгресс кутубхонаси 2005 йилда American Memory Project лойиҳасининг ривожланган шакли сифатида Бутунжаҳон рақамли кутубхонаси (инглизча — World Digital Library) лойиҳасини амалга оширишни бошлади. Ушбу мавзунда онлайн кутубхона доирасида интернетда АҚШ тарихидаги миллионлаб ҳужжатлар, жумладан, Авраам Линколн ва Томас Жефферсон кўлёмалари ва Геттисберг ваҳийларининг рақамлаштирилган нусхалари жойлаштирилди.

WDL дунёнинг турли мамлакатлари маданиятига доир жуда кўп сонли материалларга кўпқилли шаклда интернетта бепул улашни тақдим этади.

Усмонжон Йўлдошев  
тайёрлади

Китоблар замон тўқинларида сузувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур.

Фрэнсис БЭКОН

— Қайси шайтон йўлдан урди ўзи бизни, нега шу 5-"А" уйга кўчиб ўтдик, юрвдик-ку мазза қилиб 7-уйда?! — дея мен хотинимни тўшагидан судраб тушдим.

— Сиз топдингиз шу арзанда жойни, — ўшқирди хотиним Нетайхон, мен билан беллашувга шайланиб. — Қитмиройнинг ўзи бир жаннат, мулойим хотини, ўша уйда яшайди деб, кўкракка урган сиз эмасми? Ана энди ёгингизда қоврилавасиз. Безовталиқ керакми, мириқаверинг...

Ха, тинчгина уйимизни алмаштирмай ўлайлик. Нақд жанжалнинг, ур-тўполоннинг кони экан. Аслида ҳаммасига ўзим айбдорман. Шу денг, ижодкорман, бошқа уйга кўчсак, жой алмаштирсак, қалам ўта чархланиб кетади, деб ўйлабман-да.

Аслида бу уйни "Ғийбатчилар уюшмаси" дейиш керак экан. Мен эса ўз оёғим билан шу уюшмага раис бўлиб келибман, тақдирни кўринг. Ҳар бир кўшни бир-бирининг устидан бўҳтон ёзади. Отаси онасини, қайнота келинини, яна биров фўқаролар йигини раисини, посбонни савалаб ёзавераркан. Мен ишдан келишим билан қоғоз корхонасининг вакилиман...

Бу "дом"да қалам, ручка анқонинг уруғи, шунча ёзғувчи бўлгач етмайди-да, албатта. Жанжалнинг "ижодкор"лари эса асосан хотин-қизлар. Исмларига бир қаранг — Мухбира, Ситора, Мамлакат, Қитмирой, Қиммат, Нозикой, Интизор, Тоқатой, Тозагул, Болтатош. Хўжайинларининг ҳам исмлари зўр: Бобби, Қайсарбек, Ўткирбек, Сотқинбек, Олғирбек, Тоштурди, Шоҳсура.

Асти қўяверинг, исм-ку ўз йўлига, лекин бу одамларнинг жанжалга мойиллигига ва ишқибозлигига лол қоласан киши. Кўшнилари кўзғолони кечаси нақд соат бирларда бошланади. Шунини ўйлаб турувдим, кутилмаганда эшик тақиллаб қолди. Очсам, сочлари тўзиган алвасти башара бир аёл турибди.

— Ёзувчи ака, мен кўшнингиз Интизорман. Рўпарадаги кўшним билан ҳозир роса юмдалашдим. Балдоғимнинг биттаси қаергадир тушиб қолибди. Тополмаяпман. Милицияга битта ариза ёзиб беринг, ахир сиз ёзувчисиз-ку!

— Биринчидан мен ёзувчи эмас, журналистман. Битта фойдали маслаҳат бераман. Бундан кейин юмдалашмоқчи бўлсаларинг, балдоғни қўлогингиздан чиқариб олиб, пиёлага солиб қўйинглар, ишонтириб айтаманки, ўшанда ҳеч нарсга йўқолмайди.

Мана, бугун ҳам терга ботиб ишдан қайтапман. Энди ичкарига қирай, деб турувдим, ташқаридаги ўриндиқда ўтирган беш-олти нафар бекорчи аёлларга кўзим тушиб қолди.

— Ҳой шляпа... э, кечирасиз, ёзувчи ака, сиз, дипломат одамсиз, мана қўлингизда ҳам

бинойидек дипломат бор, — деди улардан бири — Темирахон. Кейин билсам, у шу уйдаги "Ғийбатчилар уюшмаси"нинг котибаси экан.

— Сизларга такрор айтаман, мен ёзувчи эмас, журналистман, — дедим унга ўткир нигоҳимни қадар эканман. — Бир-бирингизни қоралаб ёзадиган сизлар "ёзувчи"сиз, тўғрироғи ёзғувчи!

— Журналистми,



## Кўшнилар

### Ҳажвия

ёзғувчимни нима фарқи бор? — гапидан қолмасди Темирахон. — Ахир бизга саркор бўлинг, деяпмиз! — деди у ва ёзишдан қавариб кетган кўлини менга узатди.

— Мен журналистман, тамом. Сизларга эса бўҳтон ёзишда омад тилайман, — дедим-да, йўлакка кириб кетдим.

Кўп қаватли бу уйда яшовчи жанжалкаш хотин-қизларнинг кун тартибига қойил қоласан, киши. Куни билан ухлашади, болалари эса кўча қоровули.

Улар эса кечроқ уйғонишади, "Эсмералда", "Зерда", "Камилла", "Морена Клара", "Жумонг", "Сўнгги қиролича", "Аччиқ ёлгон" каби сериалларни томоша қилишади, лекин кўрганлари билан унинг мазмунига тушунишмайди, сўнгра яна ётиб ухлашади. Соат кечаси ўн иккиларда "гурр" этиб рўпарадаги болалар спорт майдончасига чиқишади ва бу ердаги барча ўриндиқларни эгаллаб, қалдирғочлардек тизилиб олишади. Қизиғи шундаки, ҳар бирининг ўз ўрни бор, сира адашишмайди. Бир соатча эрлари ҳақида ғийбатлашишади, кечаси эса турмуш ўртоғи билан даханаки жанг қилишади. Уларда бизга ўхшаб эрта тонгдан ишга бориш йўқ, биз эса кўзимизни чирт юмганча, озгина бўлса ҳам мизғиб олишга интиламиз.

— Эرمىсиз ўзи ё пайтавами? Мени Салимаҳоннинг хўжайини Дундиқбек билан миёвлашиб юрибди, деб гап тарқатишди. Ҳали мен шунақаманми-а? Дўстингиз Хўрозбой қайси куни кўшнимизниқанда чап оёғимни оҳиста босиб олудди...

Энди девор ортидаги "жанг"ни тинглаб, тасаввур қилаверинг! Хотинга дангал тухматнинг натижаси шу-да!

— Хотин, бу қайси хонадаги олишув, — сўрадим ёстиқдошимдан.

— Пастдаги 12-хона, Қитмирой билан Сотқинбек бошлашди. — Вой-дод, уйга келманг, узугимни сотдим, палто ҳам кетди, мис қумғон ҳам...

— Энди мендан кўринг, нималарга қодирлигимни? Ном топишми? Эплаймиз...

— Нега бақирасиз ярим кечда, тунги навбатчиликдан келяпман-ку.

— Тунда қанақа иш? Биламан

мен сизни, юргансизда ўша калта-сочнинг орқасидан эргашиб-иб...

— Йўқолинг! Хуморой қизимни битта ўзим боқиб оламан, сиздан нажот йўқ, эгилган тераксиз. Ана кўшни дугоналарим оила боқилинган антиқа йўлларини топиб олишган. Энди мен ҳам ўша нажот йўлида тирик суратман, навбатчиман.

— Бу қайси хона, Нетайхоним? — капалагим учиб сурадим.

Шу десангиз, уйқум қочиб, шунақанги қизиқиб кетяпман-ки!

— Иккинчи қаватдаги 11-хонада яшайдиган Тозагул билан Бердиқулнинг можароси. — Вой-дод!

Уйғоқ одам борми ўзи, кутқаринглар, — бақирарди бир аёл. — Ўлдирди бу эр мени! Кўшнилар, чиқинглар, вой-дод!

— Учтинчи қаватдаги 10-хонада яшовчи Бургутхўжа билан Машхураҳон орани очиб қилишяпти, — изоҳ беради Нетайхоним. — Бургутхўжанинг хотини бор экан, сири очилиб қолибди.

Жанжал авж олганидан авж олди, озмунча идиш-товуқлар жаранглаб синиб кетмади... Хуллас, кўшничилик эмасми, эру хотин дарвор кўшниларга ёрдамга шойишлик.

— Бу номард ошпаз акаимз бошқа хотинни ҳам тўйдириб юрибдилар! — зир титраб бақирди Машхураҳон. — Қўлидаги пичоқни кўряпсизми, мени йўқотмоқчи у!

— Хотингон, сенга пичоқ ураманми? Сабзи тўғрайман-ку, бу пичоқда!

— Йўқолинг, бошқага тегаман! Дўқондор Сумбулхўжа бир қоп ун юборибди, ана уни эркак деса бўлади...

Бу хотиннинг ваҳоҳатини кўриб, ёқа ушладим. Китоб жавонидай келадиган бу опахонимиз бўйи бир метрча келадиган эри-ю ўн беш сантиметрлик ош пичоғидан кўрқармишлар!

Бугун мен ҳам улфатларим билан "Тонг" ароғидан роса мириқиб, ярим тунда уйга қайтдим. Нетайхоним зўра эшикни очди-да, ўшқириб кетди:

— Қаерларда сандирақлаб юрибсиз, кечаси-я? Сизга ҳам биронта Интизор топилдими?

— Бошимга ураманми, Интизорингни! Мен фақат сенга интизорман! 70 ёшта кириб қўйибман, хотин, менинг интизорим ҳозир фақат ароқ, ароқ-жон! Энди сенга битта дангал савол. Нега ҳамма хонадонда жанжал, можаро? Нега бизники-да жим-житлик? Кўшнилардан уялмайсанми? Узгартириб керак бу осойишта ҳаётни! Бутундан бошлаб мен кўшни "ёзғувчи"ларга сарқорман. Ҳа, сайлашди. Сен эса жанжалкаш хотинларга маслаҳатчи, мададорсан! Муваффақият тилайман!

Менинг ваҳоҳатимни кўриб, хотиним Нетайхоннинг ранги ўчиб кетди...

Пўлат ҲАМДАМ

## АСАБИНГИЗ ЧАРЧАДИМИ?

**Бундай ҳолдан чиқиш учун уй шароитида ҳам малҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун:**

50 гр. кашнич иллизига 0,5 литр қизил мева шарбати қўшиб, бир ҳафта давомида тиндириб қўясиз. Тайёр малҳамни кунига икки-уч марта ярим стакандан ичиб юриш лозим.

**Хотирани яхшилаш ва асабни тинчлантириш учун:**

Бир ошқоқ кашнич уруғига 1 стакан қайноқ сув қўйиб, бир оз тиндириб қўясиз. Ушбу малҳамни ҳар гал овқатлангандан кейин ичиб туриш тез самара беради.

**Шишларга:**

Ерқалампир япроғини майда тишли қирғичдан ўтказиб, 150 гр. оласиз ва унга 2-3 дона лимон шарбати қўясиз. Ушбу малҳам наҳорда ярим чой қошиқдан ичилади. Пешоб ҳайдаш хусусиятига эга бўлгани учун шишларга яхши даво бўлади.

## Абдулла қизик хангомалари

**ЭЛЛИККА КЎНМАЯПТИ-Ю...**

Болаларимизнинг топқирлигига гап йўқ-да.

— Етти қарра етти неччи бўлади? — деб сўрабди ўқитувчиси Мамарайимдан.

— Эллик бўлади! — жавоб берибди Мамарайим.

— Уйлаб гапир, эллик бўлмайди, — дебди ўқитувчи.

— Қирқ тўққиз, қирқ тўққиз бўлади, — шивирлашибди Мамарайимнинг ўртоқлари.

— Домла элликка кўнмаяпти-ю, қирқ тўққизга кўнармиди! — дермиш Мамарайим ораси қотиб.

**ҲАҚИҚАТ**

Мамарайимнинг "билағон"лиги етмагандай, охириг партага ўтириб олиб, тўполон қилгани-қилган экан. Домланинг жаҳди чиқиб:

— Жим ўтир, Мамарайим, — деса:

— Нималар деяпсиз, домла, менга эшитилмаяпти, — деб баттар жаҳдини чиқарар экан.

— Эшитилмаяптими? — домла зарда билан унинг олдига келибди. — Унда сен доскага чиқ, мен сенинг ўрнитга ўтираман, гапирасан, эшитиладими, йўқми, синаб кўрамиз.

Улар жой алмаштиришди. Мамарайим овозини баралла қўйиб сайраб кетибди:

— Домла, кеча тўйла роса ичдиларинг-а? Кейин маст бўлди, раққоса билан роса ўйнадингиз-а. Кейин...

— Бўли, бўли, — дермиш домла шоша-пиша. — Росан ҳам эшитилмас экан.

**ЭҲТИЁТКОРЛИК**

Одамларимиз жула эҳтиёткор-да. Бир бемор акаимз шифокордан астойдил илтимос қилибди:

— Мен ўлсам касаллик варақамга СПИДдан ўли деб ёзиб қўйсангиз!

— Ие, нимага энди? — ҳайрон бўлиб сўрабди шифокор.

— Хотинимнинг орқасидан биров эргашиб юрмайди-да! — дермиш бемор.

Дзюдо

### БУ САФАР БРОНЗА

Дзюдо бўйича мутлақ жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев Япониянинг Токио шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган Катта дубулга туркумига кирувчи халқаро турнирда бронза медални қўлга киритди.

Дунёнинг олтидан зиёд давлатидан 400 нафарга яқин спортчи қатнашган мусобақанинг вазни 100 килограммдан оғир дзюдочилар баҳсида тажрибали полвонимиз исроиллик Асаф Зоҳар, австралиялик Жейк Андреварта ва мезбонлар вакили Риута Ишини мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўл олди. Бу босқичда корялик рақибига имкониятни бой бериб қўйган полвонимиз шоҳсупанинг учинчи поғонаси билан кифояланди.



Кўл жанги

### ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

"Ўзбекистон" спорт мажмуасида махсус қисмларнинг ҳарбий бурчини адо этиш вақтида вафот этган ходимлари хотирасига бағишланган кўл жанги бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

Мусобақала ўзбекистонлик спортчилар билан бирга Украина, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Тожикистон каби ўнга яқин мамлакатдан қарийб 300 нафар ҳаваскор ва профессионал спортчи голиблик учун куч синашди.

Профессионаллар ўртасида



Одил Сирожиддинов кўл жанги бўйича Европа чемпиони украиналик Алексей Смирновни нока-

утга учратиб, олтин медални қўлга киритди. Ўз вазн тоифасида Жамшид Бекматов тожикистонлик Сиёвуш Шариповни, Бобур Раҳматов ҳамюрти Шўхрат Абдураимовни енгган бўлса, Музаффар Ражабов украиналик Тарас Мандричка қарши баҳсда дуранг натижани қайд этди.

Ҳаваскор спортчилар беллашуварларида эса пойтахтлик Асрор Носиров, Шамсиддин Йўлдошев, Сирожиддин Садриддинов, андижонлик Имомали Эргашев, Муҳиддин Мирзамаҳмудов, фарғоналик Амур Жураев, қашқадарёлик Жаҳонгир Мансуров, навоййлик Умид Пулатовлар олтин медалга сазовор бўлди.

Футбол

### ЎФФ ТАҚДИМОТ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон футбол федерацияси делегацияси 13 декабр куни Швейцарияда ФИФА вакиллари ва мутахассислари билан учрашиб, 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатини ўтказиш борасида олиб борилган ишлар борасида ҳисобот топширди.

Делегациямиз стадионлар, машғулот майдонлари, меҳмонхоналар, матбуот ва алоқа, маркетинг, хавфсизликни таъминлаш борасидаги лойиҳаларни тақдимот қилишди. ФИФА ҳисоботни тинглаб, уни қабул қилди. Шундан сўнг, ЎФФ делегацияси билан алоҳида йиғилиш ўтказиб, кейинги иш ва режалар борасида суҳбатлашди.

Маълумки, ФИФА комиссияси куз ойида юртимизга ташриф буюриб, турли йўналишлар бўйича амалга оширилиши керак бўлган ишларни белгилаб берганди. Бу борада қилинган ишлардан ФИФА қониқиш ҳосил қилди.

### "БУНЁДКОР"ДА ЯНГИ ФУТБОЛЧИЛАР

Мамлакатнинг амалдаги чемпиони — Тошкентнинг "Бунёдкор" клуби янги мавсум олдидан ўз сафини янги футболчилар билан тўлдирмоқда.

Ўтган мавсумни Қаршининг "Насаф" жамоасида ўтказишган — Лутфулла Тўраев ва Артём Филиппосян, шунингдек, бир неча йиллардан буён Самарқанднинг "Динамо" клубида ишончли ўйин кўрсатиб келган Девид Ония бундан буён "қалдирғочлар" шарафини ҳимоя қилишди.

### РОНАЛДО ВА ЗИДАН ЯНА МАЙДОНДА

Сешанба куни Германиянинг Гамбург шаҳрида қашшоқликка қарши курашиш учун хайрия талбири бўлиб ўтди. Унда футбол афсоналари Роналдо ва Зидан каби футболчилардан ташкил топган мезий афсоналари "Гамбург" клубининг юлдузларига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказишди.

Ўйин меҳмонларнинг 5:4 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Голиб жамоада Дрогба, Роналдо, Капдевила, Салгало ва Фигулар гол муаллифига айланишди.

Роналдо ва Зидан жамоаси қуйидаги таркибда майдонга тушди: Фабен Бартез, Мичел Салгало, Хуан Капдевила, Фабио Каннаваро, Георге Попеску, Клод Макелеле, Элгар Давидс, Луиш Фигу, Роналдо, Зайниддин Зидан, Диде Дрогба.



Соҳа спорти

### СОҲА КУБОГИ ФИНАЛИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Республика алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгашининг кўчма соврини учун футзал бўйича финал босқичи баҳслари 16-18 декабр кунлари Тошкент ахборот технологиялари университети спорт залида бўлиб ўтади.

Соҳамизнинг энг кучли жамоалари уч кун давомида голиблик учун кураш олиб борадилар. Бугун — 16 декабр куни соат 9.00дан гуруҳ ўйинларига старт

берилади, эртага эса чорак ва ярим финал баҳслари ўтказилади. 18 декабр санасида учинчи ўрин ҳамда соҳа кубогининг 2011 йилги голибини аниқлаб беради-

ган финал учрашуви бўлиб ўтади. Мурасасиз учрашувлар гувоҳига айланишни истасангиз, соҳа кубоги баҳсларига ташриф буюринг!

### YONG'IN XAVFSIZLIGI OYLIGI

### ЭҲТИЁТКОРЛИК ДАВР ТАЛАБИ

Республикаимизда қайд этилаётган ёнғинларнинг аксарияти аҳоли яшаш жойларида содир бўлмоқда. Биз буларга электр ускуналаридан ва иситиш печларидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ва болалар шўжлиги тўғрисида келиб чиқаётган ёнғинларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Аҳолининг ва давлатнинг мулкчи асраб-авайлаш, турли тажовузлару офатлардан ҳимоя этиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Шу қатори ўзимизни, оила аъзоларимизни ва тураржойларимизни ёнғин офатидан сақлаш ҳам хавфсизликнинг ажралмас бир бўлагидир.

Эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан олов офати натижасида хонадон ёки корхона бинолари, у ерлардаги моддий бойликлар ёниб қолган бўлиши мумкин. Бу бало сабабли одамлар ҳаётдан бевақт кўз юмиши ҳоллари ҳам учраб турибди.

Газ ёки электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, қаровсиз қолдириш, бефарқлик, умуман, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўпинча аҳоли тураржойларида учрайди. Фуқароларимиз шу каби хавфсизлик қоидаларини билишди, бироқ кўпинча уларга етарлича эътибор қилишмайди. Баъзилар кўра-била туриб қоидаларни бузишди, гўёки бу уларга тааллуқли эмасдек. Бунинг натижасида эса ёнғин юзага келиб, кишиларга катта зиён етказиш мумкин. Буларга йўл қўймаслик учун эса кўп нарса талаб этилмайди, озгина эътиборли бўлсак ва болаларга ҳам шуни ўргатсак, оиламизни ва ўзимизни асраган бўламиз.

**Ҳамид НОСИРОВ,**  
Тошкент шаҳар  
12-ҲЕҲО кичик сержанти

Ўғилларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хоразм вилоят хуудий бошқармаси ҳамда "Ўзбектелеком" АК Хоразм филиали жамоалари филиал техник директори Аҳмадjon Самандарова падары бузруквори

**Султон ҳожи ота САМАНДАРОВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг Қарши филиали директори Одиббек Турғуновга акаси **Муҳаммадjon аканинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# Бунда бордир ҳамма шароит

Хизмат сафари билан Нукусга бориб келган ҳамкасбларимиздан бири сафар таассуротлари билан ўртоқлашар экан, йўловчи поездларида яратилган шарт-шароитлар ҳақида ҳам тўлқинланиб сўзлади.



Тошкент-Кўнғирот-Кўнғирот-Тошкент поездда бориб келдим, — дейди у. — Бу поездда инсон, унинг қулай шароитда манзилига омон-эсон етиб олиши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Бундан йигирма йиллар аввал ҳам поездда Нукусга боргандик. Ушанда онам билан "поезд дегани шу бўлса, елкамининг чуқури кўрсин" дегандик. Чунки ёз фасли бўлгани учун тикхилчан одамнинг нафаси қайтадиган, дим ва иссиқ поездда юриб, тинкамиз қуриганди. Ҳозир эса қулай ва шинам поездларда ҳамма шароит бор. Нукус темир йўл вокзалига бориб тушганимизда вокзалнинг чиройлилигини кўриб, аввалига таний олмадим. Мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар вокзалга узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди.

Ушанда ҳамкасбимизнинг сўзларини тинглаб, Қорақалпоғистон томонга йўлимиз тушса, Нукус темир йўл вокзалига боришни ҳам ният қилгандик. Яхши ният — ярим мол деганидек, орадан кўп ўтмай ниятимиз ушалди.

Нукус темир йўл вокзалига бориб, эшик олдида турган вокзал ходимла-

рига мақсадимизни айтганимизда, улар хушмуомалилик билан Бахытбай оғага бориб учрашишимизни маслаҳат беришди. Сўраб-суриштириб билсак, Бахытбай Низикеев шу вокзалнинг бошлиғи экан.

— Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда темир йўл транспортини изчил ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли мустақиллик йилларида ушбу тизимда кенг қўламли ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, йўловчи ва юк ташиш ҳажми тобора ошмоқда, — дейди Бахытбай ака. — Тошкент марказий темир йўл вокзали ва бошқа шаҳарларимиздаги вокзаллар реконструкция қилинди, таъмирланди, янгилари барпо этилди. Бу жараёнда бизнинг вокзалимиз ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилди, халқаро ва маҳаллий йўналишларда қатновчи поездларда кўрсатилаётган хизматлар сифати замон талаблари даражасига кўтарилди.

Жамоамиз 30 кишидан иборат бўлиб, Роҳат Жумабоев, Зуҳра Алламуродова, Аксана Бойжонов, Муқон Бойназаров каби ишчиларимиз ўзларининг изланувчан ва тиришқоқлиги билан барчага ўрнак бўлмоқда. Вокзалимиз мамлакатимизни кўшни давлатлар билан боғловчи муҳим бўғин сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Вокзалда йўловчиларга ва ишчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишиш чоғида вокзал бошлиғининг изланувчан ва ташаббускор эканига ишонч ҳосил қилдик. Миллий меъморчилик аънаналаридан кенг фойдаланган ҳолда барпо этилган вокзал йўловчиларга юксак даражада хизмат кўрсатиши имконига эга. Поездларнинг келиш ва кетиш жадваллари, йўловчиларга хизмат

кўрсатиш зали, тиббиёт маскани, дорихона, ошхона, маълумотхона хизмати мавжуд. Яратилган шароитлардан кўнглимизга ўруғлик иниб, мавридини топғач, ўзининг фаолияти билан қизиқдик.

— 1963 йилда Кегейли туманидаги Жалпоқжар қишлоғида туғилганман, — деб ўзи ҳақида гап бошлади сўхбатдошимиз. — 1980 йили Халқобод шаҳридаги 50-мактабни тамомлаб, Тошкент темир йўл муҳандислари институтида таҳсил олиш учун Тошкентга йўл олдим. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтгач, "олтин давр"га менғзаладиган талабалик даври бошланди. Институтда таҳсилни тугатгач, Кегейли туманидаги "Қумушўлғул" бекатида навбатчи бўлиб иш бошладим. Йигитлик бурчимни ўтаб келгач, 30-сонли темир йўл коллежидан бир муддат ўқитувчилик қилдим. 1990 йилда Кегейли туманидаги депода вагонларни техник назоратдан ўтказиш бўлимида ишладим. Бу бўлимда етти йил ишлаб, касбимнинг сир-асрорларини пухта ўргангач, бекат бошлиғи лавозимига лойиқ кўришди. 2008 йилда Нукус темир йўл вокзалига бошлиқ бўлдим ва ҳозирга қадар имкон даражасида ўзимга билдирилган ишончнинг оқлаш учун ҳарakat қилиб келяман. Шу озода ва обод юртининг фарзанди сифатида, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи, халқимиз фаровонлиги тобора ошаётгани ва одамлар турмуш тарзидаги улкан ижобий ўзгаришларни кўриб фахрланаман.

Бу инсонни Кўнғирот - Бейнов йўналишида сафарга чиққан йўловчиларнинг кўпчилиги яхши танишади. Боиси қарийб етти йил давомида ушбу йўналиш бўйича вагон кузатувчиси бўлиб ишлаган қахрамонимиз ўзининг хушмуомалалиги ва одамхунлиги билан кўплаб йўловчиларнинг эътиборига тушди. Поезд белгиланган линия бўйича тўхтаб, эшиклар очилиши билан вокзалда турганлар "Арсланбек оға, ай, яхшимисиз?" деб худди кадрдонлардек ҳол-аҳвол сўрашиб кетишади.

## Эзгуликка йўғрилган УМР



Қонтилав Нуруллаев, Омонхўш Назаровлардан касб сирларини ўрганишга ҳарakat қилдим ва ҳаётий сабоқларидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда ишимга масъулият билан ёндашдим. Одамлар ҳамда йўловчилар билан хушмуомала бўлишни фазилат деб билдим.

— Оилада еттинчи фарзандман, — деб болалигини эслайди Арсланбек оға.

— Отам Жеткербой ака ишчи, онам Курбаш опа уй бекаси бўлса ҳам зиёлиятият кишилар бўлгани боис бизнинг билим олишимизга ва касб-хўнарсиз эгаси бўлишимизга катта эътибор қаратишди. Эсимда, 2003 йилда Хўжайли вокзалда вокзал навбатчиси бўлиб фаолият бошлаган кезларимда бир отахоннинг юкларини вагонга жойлаштиришга ёрдам бердим. Шунда отахон кўлларини дуога очиб "Сени эл-юртга фойдаси тегадиган инсон қилиб тарбиялаган ота-онангга раҳмат", деганда кўнглимда бу азиз инсонларга бўлган ҳурматим янада ошган. Бугун ўзим ҳам оила бошлиғиман, бир-биридан ширин уч нафар фарзандни турмуш ўртоғим Кенжагул билан тарбиялаб вояга етказяпмиз. Барча ота-оналар сингари биз ҳам қизларимиз Женсоя, Жаннура, ўғлимиз Жасланнинг камо-

лини кўришни ният қиламиз. Бу эзгу ниятнинг ҳаётда ижобатини топиши эса кўп жиҳатдан тарбияга ҳам боғлиқ. Буни чин дилдан англаб, уларнинг тарбиясига катта эътибор қаратаймиз.

Хўжайли вокзалда қарийб саккиз йил вокзал навбатчиси бўлиб ишлаган Арсланбек ака ўз касбининг фидойиси, камтарин ва камсуқумлиги билан жамоасининг ҳам эътиборини қозонди. Жамоадолларининг қўллаб-қувватлаши билан шу йилдан вокзал бошлиғи бўлиб иш бошлади.

— Жамоадолларимнинг қўллаб-қувватлашлари замирида менга билдирилган катта ишонч мужассам, — дейди сўхбатдошимиз. — Бу ишончнинг оқлаш учун бизда барча шароит бор. Хусусан, мустақиллик йилларида вокзалимиз жаҳон андозалари даражасида капитал таъмирдан чиқарилди. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси томонидан бу ерда йўловчилар ҳамда ишчилар учун барча шароит яратилган. 14 нафар кишидан иборат жамоамизда ўзаро аҳдлик, тотувлик ҳукмрон. Ишчи-ходимларимиз ҳар қандай вазиятда бир-бирини қўллаб-қувватлашга, тушунишга ҳарakat қилади.

Халқимизда "Аҳиллик бор жойда кут-барака бўлади", деган гап бор. Биз ушбу гапнинг ҳаётда ўз ижобатини Арсланбек оға жамоасида кўрдик.

Ойгул РАЗЗОҚОВА, журналист

<p><b>МУАССИС:</b></p> <p><b>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</b></p> <p><b>Бош муҳаррир:</b> Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p><b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асқанджон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Суван НАҲБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100043, Тошкент, Бунёкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p><i>Обуна индекси — 228.</i></p>
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>	<p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p> <p>Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.</p>
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кўни чикади</p> <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. <b>Манзил:</b> Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-1252 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 12993 нуска.</p>
<p><b>Вилоят муҳбирлари:</b></p> <p>Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчада 226-37-16 Фарғонада 224-91-56 Қаршида 314-08-99</p>	<p><b>ISSN 2010-6424</b></p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>	